



«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 28 февраль куни Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари саммити ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги раҳбарларининг норасмий учрашувида қатнашиш учун Қозоғистоннинг Алмати шаҳрига жўнаб кетди.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги учрашувида минтақа мамлакатлари ўртасида ҳар томонлама алоқаларни янада ривожлантириш, хавфсизлик, террорчиликка қарши кураш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Саммитда ўзаро ҳамкорлик бўйича бир неча ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

МДХ давлатлари раҳбарларининг норасмий учра-

шувида эса Ҳамдўстлик доирасида ўзаро муносабатларни янада кенгайтириш, Афғонистонда ўтказилаётган аксилтеррор операциyasi, гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши кураш борасидаги ҳамда ёқилғи-энергетика соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Алмати. 28 февраль. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилди.

Бугун бу ерда Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва Қирғизистон Президенти Аскар Акаевнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб

ўтди. Президентлар минтақадаги вазият, интеграция жараёнларининг ҳозирги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокараларда минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазият, ғайриқонуний муҳожирилик, шунингдек, иқтисодий ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар кенг муҳокама этилди. Томонлар иқтисодиётнинг ўта муҳим тармоқларида эркин савдо зоналарини шакллантиришни тезлаштириш, транспорт инфратузилмаларини такомиллаштириш, сув захира-ларидан унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратди.

Музокаралар якунида Президентлар «Марказий

Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотини таъсис этиш тўғрисидаги шартномага имзо чекди.

Маълумки, бу катта ўзгаришга Ислон Каримов ташаббуси билан ўтган йилнинг декабрь ойида Тошкентда асос солинган эди. Алматида имзоланган ҳужжат Президентларнинг Тошкентда қабул қилган Баёнтининг амалий натижаси бўлди.

Шунингдек, «Марказий Осиё Ҳамкорлиги» ташкилотининг миллий мувофиқлаштирувчилари тўғрисида низом қабул қилинди. Ислон Каримов мазкур ташкилотга раис этиб сайланди.

МДХ раҳбарлари саммити доирасидаги музокаралар эртага бўлиб ўтади.

(Давоми 2-бетда)

ИЛМ-ФАН ОЛАМИДАГИ ИЛК ПАРВОЗЛАР

Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимизга, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.

Ислон КАРИМОВ

Дарҳақиқат, сўнгги бир неча йиллар давомида бутун республика миқёсидаги аҳамиятга молик масалага айланган соҳа — мамлакат таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни мутлақо янги, мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос таълим тизимига, ҳар жиҳатдан баркамол, билимли, эркин ва шу билан бирга, ўз Ватанига содиқ, қалби она-юртнинг ривожига қўлидан келганча ҳисса қўшиш иштиёқи билан тўлиб-тошган янги авлоднинг тарбиялай олувчи илм ўчоқлари мажмуасига айлантириш учун улкан ишлар амалга оширилди.

Республикада олиб борилаётган таълим сиёсати натижаси ўлароқ, бугунги ёшларга кенг имкониятлар яратилаёпти, таъбир жоиз бўлса, уларга илм-фан оламида юксак чўққиларни забт этишлари учун мустақам қанот берилмоқда. Уларга билим олишларида эркинлик, ўз хоҳиш-истакларини инобатга олган ҳолда, таълим тури ва йўналишларини танлаш ҳуқуқи берилаяпти. Бу эса «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этишининг асосий омиллари-

йилга кўпайиб бораётган, дунёнинг турли мамлакатларида ўтказилиб келинаётган нуфузли спорт мусобақаларида қўлга киритилаётган медаллар... Ёшларимизнинг ана шундай илк парвозларини кўриб, улар кўққисдан пайдо бўлган, фавқуллодда истеъдод эгалари ёки омади чопган ёшлардир, деган хулосалар бугунги кунга келиб тинимсиз кўп йиллик меҳнат, қанчадан-қанча маблаглар, диққат-эътибор, тўхтовсиз изланишлар натижаси экан-

лиги ҳақидаги ЭЪТИРОФ билан алмашмоқда.

26-27 февраль кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган конференция мамлакатимизда табиий фанларнинг — физика, информатика, химия ва биология соҳаларига қизиқувчи, келажакда ушбу йўналишда илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб боришни ўз олдларига бош мақсад қилиб қўйган янги истеъдодларни кашф этди, десак ҳеч бир муболага бўлмайди.

(Давоми 2-бетда)



ГАЗЕТАМИЗНИ БАРАҚЛАГАНДА

ШАРОФИДДИН АНГЛИЯДА

Нобель мукофоти
лауреатидан таҳсил
олмоқда

2-БЕТ

АЙРИМ ЖИХАТЛАР ЎҚУВЧИЛАРНИ ЧАЛФИТАДИ

4-БЕТ

ФЕВРАЛЬ ОЙИ ФОЛИБЛАРИ

4-БЕТ

Коммуна ИСМОИЛОВА:

«ОТАМ МУАЛЛИМА БЎЛИШИМНИ ИСТАРДИ»

5-БЕТ

ҲАЁТ ЗАВОЛИ

7-БЕТ

ТАЛАБА БАДИЙ КИТОБ ЎҚИЙДИМИ?

7-БЕТ

ЧАҚМОҚҚА АЙЛАНГАН ЮРАК

Усмон Носир шеъ-
риятида миллий ва
умуминсоний қадрият-
лар талқини

8-БЕТ

«МА'РИФАТ»ГА МАҚТУБЛАР

8-БЕТ

НАМ SHOIR, НАМ RASSOM

8-БЕТ

ДУНЁ МИЛЛИАРДЕРЛАРИ РЎЙХАТИ

12-БЕТ

ДОИМО ТЕГРАНГДАГИ БАЙРАМ

(Романдан парча)

12-БЕТ

ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ЎзТВ I,
«Ёшлар» телеканали,
ЎзТВ III
«Тошкент» телеканали,
ЎзТВ IV
«Халқаро» телеканал

14-БЕТ

СЕНИ СОФИНАМАН, МАКТАБИМ!

16-БЕТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

**МДХНИНГ НОРАСМИЙ
САММИТИ**

Алмати. 1 март. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади:

Бугун Қозоғистоннинг Алма-

лама ҳамкорликка оид долзарб масалалар муҳокама қилинди. Президентлар халқаро террорчиликка қарши кураш масаласига ҳам эътибор қаратди.

Давлат раҳбарлари ҳамдўстликда иқтисодий интеграция

интеграцияни ривожлантириш тарафдоридир.

Тоғли "Чимбулок" да давлатимиз раҳбари Ислон Каримов Россия Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Туркменистон Президенти Сапарму-

**«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ»
ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛДИ**

ти шаҳри яқинидаги "Чимбулок" соғломлаштириш мажмуида МДХга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашуви бўлиб ўтди. Очик ва дўстона руҳда ўтган музокараларда ҳамдўстлик доирасида кўп томон-

жараёнларини янада фаоллаштириш масаласи юзасидан атирофлича фикр алмашди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, бу масалага муносабат ҳар хил, таклиф ва мулоҳазалар ҳам турлича. Лекин, энг муҳими, ҳар бир президент иқтисодий

род Ниёзов билан учрашди. Учрашувларда энергетика соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Шу билан Ислон Каримовнинг Алмати сафари ниҳоясига етди.

(ЎЗА)

ШАРОФИДДИН АНГЛИЯДА**Нобель мукофоти
лауреатидан таҳсил
олмоқда**

Булунғурда ўсиб, вояга етган иқтидорли йигит Шарофиддин Тўраев Самарқанд савдо институтининг иқтисод факультетини тугатгач, "Акселс" дастури бўйича инглиз тилини мукамал эгаллади.

Ўзидаги билимга ишонч ҳосил қилгач, устозлари тавсияга кўра у "Умид" жамғармаси грантини олишга уринди. У танловнинг 5 та босқичида ҳам иқтидорини намойиш этиб, 2000 йилда 3000 нафар даъвогарлар ичида ғолиблардан бири бўлди ва Буюк Британиянинг Стерлинг университети магистратурасига қабул қилинди.

Шарофиддин чет элга кетибдики, оиласига тинмай мактуб ёзади. Қилаётган ишлари, ўқиши, янги танишлари ҳақида сўзлайди. Келинг унинг кейинги хатларидан айримлар билан танишайлик.

"Ассалому алайкум мен учун кадрдон хонадан аъзолари!"

Авалло барчангизга яратгандан соғлиқ, омад тилайман. Менинг ишларим яхши. Асосий вақтим китоб ўқиш, семинар, амалий машғулотларга кетаяпти. Ҳар кун бир янгилик ўрганаман. Бизга савдо ва инвестиция йўналиши бўйича жуда таниқли олимлар дарс беришяпти. Ҳатто Нобел мукофоти лауреатидан сабоқ олаяпмиз. Гуруҳимизда Греция, Малайзия, Ҳиндистон ва бошқа юртлардан ҳам иқтидорли ёшлар бор. Бир-биримиздан кўп нарсаларни ўрганаёпмиз.

Бу ердаги ҳаёт тарзига хавас қиламан. Ибратли томонларини юртимизга олиб кетишни жудаям истайман. Ҳали кўрасизлар, Ўзбекистон ҳам Англия каби ривожланган мамлакат бўлади.

Сизларни соғиниб, Шарофиддин".

Самарқанд вилояти,
"Туркистон-пресс"

Кун кеча Ўзбекистон Бадий академиясида "Ўзбекистон кулолчилиги" Республика кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада анъанавий ҳудудий кулолчилик мактаблари асарла-

зий Осиё ҳудудида бугунги кун анъанавий кулолчилик санъати йўналишларини белгилловчи мактаблар шаклланган. Масалан, Риштон, Ғиждувон, Хоразм, Андижон, Ургут, Тошкент

ди. Шу жумладан, Ш.Юсупов, Н.Облоқулов, А.Назруллаев, У.Жўрақулов каби машҳур кулоллар асарлари кўргазмага ўзгача кўрк бахш этди.

Ҳудудий мактаблар намуна-

лари билан бир қаторда ноанъанавий услубда яратилган асарлар кўргазмаси ҳам ўрин олган бўлиб, унда ийгирмадан ортиқ рассомлар асарлари билан иштирок этди.

МУХБИРИМИЗ

**ГАЗЕТА «МАКТАБ
ҲОМИЙСИ**

"Халқ сўзи" — "Народное слово" газетаси ҳамда Тахтақўпир туманидаги 6-мактаб жамоалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида ўтган йили шартнома имзоланган эди. Жумладан, унинг 4-бандида шундай дейилган: "Тахририят ўзининг молиявий имкониятига қараб, қонунларда белгиланган тартибда мактабга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатади".

Шунга кўра, газета жамоаси мазкур мактабнинг 4-«А» синфидаги ўқувчиларни бе-
пул кийим-кечак ва дарсликлар билан таъминлади. Яқинда "Халқ сўзи" — "Народное слово" газетасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мухбири Янгибой Кўчқоров 6-мактабга ташриф буюририятнинг совғасини — "Ўзбекистон" нашриётида чоп қилинган "XXI аср: истиқболимиз тимсоллари" номли рангли расмлар билан безатилган китобнинг бир неча донасини илм маскани маъмурияти ва кутубхонасига топширди. Бу ажойиб рангли китобда Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиблари, жаҳон спорт мусобақалари, халқаро олимпиада ўйинлари ғолиблари чемпионлари, Зулфия номидаги ҳамда "Нихол" давлат мукофоти совриндорлари — 200 дан зиёд машҳур спортчилар, санъаткорлар, ёш олимлар, ижодкор ўқитувчи ва истеъдодли ўқувчи, талабалар ҳақида маълумотлар берилган. Шу жумладан, бу китобда Эркин Қутибоев, Алишер Санетуллаев, Навбахор Глеубергенова, Диана Мамутова каби ўнлаб қорақалпоғистонлик ёшларга бағишланган саҳифалар ҳам бор.

Ғойиб ЁҚУБОВ

Saxovat

КУЛОЛЧИЛИК КЎРГАЗМАСИ

ри, шунингдек, ноанъанавий услубда ижод қилаётган рассомлар асарларидан намуналар намойиш этилди. Ҳаммага маълумки, кулолчилик санъати ҳунармандчиликнинг қадимги ва машҳур турларидан бири ҳисобланади. Қадимда Марка-

худудларининг ўзига хос йўналишлари мавжуддир. Улар яратган асарлар халқ турмушидан асос олган удумий шакл, ранг ва нақшлардан ўзоқлашмаган ҳолда, колорит ва нақшлар борасидаги янги изланишлари билан ажралиб тура-

ИЛМ-ФАН**ЮКСАЛИШНИНГ
ЁРҚИН ИФОДАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси биносида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ЎМКХТ Маркази ташаббуси, Фан ва техника Давлат қўмитаси, ЎзФА, республика "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг бевосита қўллаб-қувватлашлари билан мамлакатимизда илк бора ўтказилган мазкур анжуман "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичи вазифалари: табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси" мавзусига бағишланди. Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий модели асосий мезонларидан бири бу таълим ва фаннинг интеграцияси, яъни ана шу икки тушунчанинг ўзаро уйғунлашувини таъминлаш масаласидир. Ҳаёт бунинг жуда ҳам мураккаб жараён эканлигини исботламоқда. Миллий дастурда янги турдаги таълим муассасалари — академик лицейлар ва касбхунар коллежлари тўғридан тўғри олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда фаолият юритишлари зарурлиги алоҳида кўрсатилган. Афсуски, бу жараён ҳали тўлиқ ўзини намойён этолмаяпти. Аммо ЎМКХТ тизими ўқувчиларининг ушбу биринчи республика конференцияси ўтказилишининг ўзи мамлакатимизда бу борада қўйилган дастлабки аниқ қадамлардан бири бўлди. Ана шу маънода бу конференциянинг аҳамияти каттадир. Бу анжуман юқорида айтиб ўтилган, айни кунда бутун Ўзбекистон ёшлари ўртасида кузатилаётган юксалиш жараёнининг ёрқин ифодасига айланди, десак асло муболаға бўлмайди. Конференцияда иштирок этган 150 нафарга яқин истеъдодли ёшларнинг илм сўқмоқларида бир неча ўн йиллардан буён тер тўкаётган машҳур академиклар, фан докторлари, қолаверса, ўқитувчилари, отоналари ва тенгдошлари қаршида ўз илмий ишларини, кўтариб чиқаётган ғояларини эркин, кенг қамровли фикрлари, нотиклик маҳорати билан ҳимоя қилишини кўриб, ҳар кимнинг ҳам шундай хулосага келиши табиийдир.

Мазкур илмий анжуманда нафақат пойтахтимиз ёки вилоятлар марказларидаги таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчилар, балки чекка қишлоқлардан келган илмга ташна ёшлар ҳам фаол қатнашдилар.

Тантанали очилиш маросимидан сўнг иштирокчилар "Ёш физик ва информатиклар", "Ёш химиклар", "Ёш биологлар" шўъбаларига бўлиниб, иш бошладилар. Ҳар шўъбада ёшларга уларнинг тегишли фанга бўлган қизиқиши, фан бўйича олган билимлари билан бирга илмий дунёқарашининг шаклланганлик даражаси, мустақил мантикий фикр юритиш қобилиятини синовдан ўтказувчи шартлар қўйилди. Шунингдек, ёш физиклар ва химикларнинг тайёргарлиги икки хил усул билан текширилди: биринчиси, ўзи тайёрлаб келган илмий тадқиқот

ишининг ёки компьютерда яратган дастурининг долзарблиги, илмий янгилиги, халқ ҳўжалигидаги аҳамияти ва буларнинг ўқувчи томонидан муфассал тушунарли баён этилиши ҳамда асослаб берилиши, шунингдек, ҳакамлар ҳайъати ва бошқа иштирокчиларнинг берган саволларига жавоб қайтарилиши орқали ҳамда иккинчиси — фанга оид масалаларнинг оригинал ечимлари бўйича билимлари синналди. Катнашчиларнинг ўз илмий ишларини жонли равишда кўрсатиб бериш, кўргазмали воситалар, компьютер ёрдамидаги видео намойишлардан жуда самарали фойдаланишлари, ўзлари ва устозларининг тинимсиз, машаққатли меҳнатини кўрсатиб турарди.

Илмий ишини ҳимоя қилаётган ҳар бир ўқувчиға ҳакамлар ҳайъати аъзолари, ўқитувчилар ҳамда ўқувчилар савол бериб туришди. Шу билан бирга ҳар бир иштирокчи ўз билимларини тўла намойиш этиш учун тайёрлаб келган тадқиқотидан ташқари илм-фан ривожига муносиб ҳисса қўшган дунё олимлари ва юртимизда етишиб чиққан илм-фан намойёндалари ҳақидаги турли савол-жавоблар, баҳсларда қатнашишига ҳам тўғри келди.

Икки кун бўлиб ўтган шўъбалар иши кучлилар ичидан энг кучли билимдонларни аниқлашда катта аҳамият касб этди. Уларда ёшлар томонидан тақдим этилган аниқ, амалий ишларни ҳам, умумий хусусиятга эга бўлган назарий ишларни ҳам кўриш мумкин эди. Бироқ, шуни алоҳида эътироф этиш керакки, бу ишларнинг барчаси илмий янгиликка эга, ўз ҳудуди хусусиятларидан келиб чиққан ва албатта, республика тараққиётига маълум маънода ҳисса қўша оладиган тарзда ишлаб чиқилгандир. Ўқувчиларнинг ўз домчалари билан биргаликда олиб борган илмий изланишлари, тадқиқотлари, лабораториялар, устакхоналарда ўтказган тажрибалари натижаси бўлмиш бу ишларнинг ҳар бирида иқтисодиёт, энергетика, электроника, техника, кимё саноати, биология, экология, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа ўнлаб халқ ҳўжалигининг турли тармоқларига доир масалалар кўтарилиб чиқилди.

Биргина мисол келтирилган бўлсак, Жиззах тиббиёт коллежининг 1-курс талабаси Шохид Мўминова (1987 йилда туғилган бу иштирокчи конференциянинг энг ёш қатнашчиси экан) биология фани ўқитувчиси Муҳаббат Рашидова билан биргаликда ҳозир бутун дунёни ташвишга солаётган оқава сувлари муаммосини ҳал этиш йўлида изланишлар олиб борган.

— Мен тайёрлаб келган ишда оқава сувларини турли сув ўтлари ёрдамида тозалаш ҳақида сўз юритилади, — дейди Шохидахон биз билан суҳбатда. — Биз Жиззах сув омборида ўтказган тажрибаларимизда хара, қамишлар, хлорелла, гидрилла каби сув ўтларининг оқава сувларини 95-98 фоиз тозалай олишини исботладик. Чикинди сувлар-

ОЛАМИДАГИ ИЛК ПАРВОЗЛАР

ни бундай биологик усул билан тозалаш иқтисодий томондан ҳам жуда катта фойда келтиради. Чунки, биохимик (техник ускуналар ёрдами билан) тозалашга кўп миқдордаги энергия ва маблағ сарф қилинади.


Бу иштирокчининг ўқитувчиси Муҳаббат Рашидова эса шундай дейди:

— Оқава сувларни сув ўтлари билан тозалаш мавзуси шахсан ўзимни ҳам анчадан буён қизиқтириб келарди. Мана, шу конференция мавзуси-имизни чуқур ўрганишимизга туртки бўлди.

ОЛИМЛАР ЭЪТИРОФИ

Шўьбалар ишида иштирок этган ўқувчиларнинг билим доираси, улар тайёрлаб келган илмий тадқиқот ишлари, умуман, шўьбалар ишига баҳо беришни сўраб, ана шу жараёнда бевосита иштирок этган ҳакамларни суҳбатга тортдик.

Академик А.АБДУКАРИМОВ, ЎзФА Генетика институти директори, "Ёш биологлар" шўьбаси ҳакамлар



ҳайъати раиси:

— Аввало, бу конференцияга йиғилган болаларнинг билими ниҳоятда кучли, келажаги порлоқ эканлигини таъкидлаб ўтишим жоиз. Буни бир нарсадан яққол сездим — улар орасидан энг зўрларини танлаш жуда қийин кечди. Аниқроғи, ёшлар тайёрлаб келган илмий ишларнинг ҳаммаси ўз йўналишида ўта муҳим аҳамиятга эга, ёш тадқиқотчиларнинг ўзлари ҳам билим жиҳатидан деярли фарқ қилмайди — уларнинг ҳаммаси кучли билимга, юксак иқтидорга эга эканлиги маълум бўлди.

Академик Р.МЎМИНОВ, Давлат илмий-техника ахбороти фонди директори, "Ёш физик ва информатиклар" шўьбаси ҳакамлар ҳайъати раиси:

— Очиғи, бу ёшлар бизни ҳайратда қолдирди. Ўз маърузасини эркин, лўнда-лўнда, муфассал баён қилиб бераётган, ҳимоя давомида компьютерлардан ҳеч қандай қийинчиликсиз фойдаланаятган қатнашчиларни кўриб, беихтиёр уларга ҳавасим келди. Айнан шу ёшларни Ўзбекистон илм-фанининг келажаги деб биларман.

Академик Ж.МУСАЕВ, Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири:



— Мазкур бўлғуси олимлар кўтарган мавзуларнинг баъзилари ҳатто биз учун ҳам янгилик бўлди. Генетикага оид маърузалар орасида буни ўзим ҳам кузатдим. Шўьбалар иши тугагач, икки нафар ўқувчи келиб менинг манзилгоҳим ва иш жойларимни ёзиб олишди. Уларнинг: "Домла биз ўқишни битириб, албатта, сизнинг олдингизга келамиз. Сизга шоғирд бўламиз" деган сўзларини эшитиб, бу илмга чанқоқ ёшлар ўзларига билдирилган ишончни ҳозирда-ноқ оқлаётганига амин бўлдим.

УНУТИЛМАС ДАМЛАР

Шу куни конференция иштирокчиларининг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун Ўзбекистон Фанлар академиясининг турли илмий текшириш институтларига экскурсиялар уюштирилди. Болаларнинг қизиқишлари инobatга олинган ҳолда, ҳар бир гуруҳ учун алоҳида тадқиқот муассасаси танланди. Масалан, ёш биологлар ЎзФА Ўсимлик моддалари кимёси институтида бўлиб, институтнинг 6 та тажриба ўтказиладиган махсус лабораторияларига ташриф буюрдилар. Институт ҳақидаги суҳбатлар, кимёвий моддаларни ўсимликлардан ажратиб олиш, уларни турли жониворларда синаб кўриш, бу моддалардан дори-дармонлар тайёрлаш жараёнини бевосита кузатиш ўз келажагини кимё, биология, тиббиёт соҳалари билан боғланган иқтидорли ёшларда бир олам таассурот қолдирди.

Экскурсиялардан сўнг, Ўзбек Миллий академик театрида танikli актёрлар томонидан ижро этилган буюк жадидчи болаларимиздан бири Абдулхамид Чўлпон тақдири ҳақидаги "Кундузсиз кечалар" спектакли эса конференция иштирокчиларининг ҳеч қачон эсидан чиқмас керак.

БАРЧА МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Конференциянинг иккинчи куни шўьбалар иши якунлангач, ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Фан ва техника Давлат қўмитаси мажлислар залида барча қатнашчилар, уларнинг устозлари, ота-оналари, машҳур олимлар, давлат арбоблари иштирокида ҳар бир шўьба расиларининг таҳлилий ҳисоботи эшиттирилди. Унга кўра, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичи вазифалари: табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси мавзусидаги ўқувчиларнинг биринчи республика конференциясининг ғолиблари ва совриндорлари сифатида қуйидаги ўқувчи-талабалар эътироф этилди:

"Ёш физик ва информатиклар" йўналиши бўйича Наманган Давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчиси Муҳаммад Жамиев (илмий раҳбари Умархон Бобоҳўжаев), "Ёш химиклар" йўналишида Бухоро Давлат университети қошидаги лицей-интернат ўқувчиси Анвар Ёрмуҳаммедов (илмий раҳбари Алишер Ҳафизов) ҳамда "Ёш биологлар" йўналишида 2-Тошкент тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Комила Юнусова (илмий раҳбари Раъно Бобоева)лар биринчи ўринга муносиб топилиб, замонавий компьютерлар билан тақдирланишди. 5 нафар иккинчи ва 10 нафар учинчи ўрин соҳибларига рангли телевизор ва аудиоманитофонлар, конференциянинг барча қатнашчиларига эсдалик совғалари топширилди. Ғолиб ўқувчилардан ташқари яна 18 нафар конференция иштирокчисига ЎзФАнинг махсус стипендиялари таъсис этилди. Шунингдек, жорий йилда кимё фанидан Алмати шаҳрида, физика фанидан Сингапурда бўлиб ўтадиган халқаро олимпиадалари терма жамоасини саралаш учун ҳам бир гуруҳ ўқувчилар танлаб олинди. (Бар-

да пул мукофотлари бериладиган бўлди.

Ўқувчиларга ташкилотчилар томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар Фан ва техника Давлат қўмитаси раиси, академик П.Ҳабибуллаев, Олий ва ўрта махсус таълим вазири, академик С.Фуломов, ЎМКХТ Маркази раҳбари, ОУМТ вазирининг биринчи ўринбосари, фан доктори Ж.Хусанов, машҳур олим-



лар, олий ўқув юртлари ректорлари томонидан топширилди.

Тақдирлаш маросимида сўзга чиққанлар ғолибларни чин қалбдан қутладилар, конференциянинг барча иштирокчиларига бундан-да катта муваффақиятлар тилаб, уларни Ватан, илм-фан дунёси кутаётгани ва бу ёшлар ҳеч қачон умидларни сўндирмаслиги ҳақида гапирдилар. Ўз навбатида, анжуман қатнашчиларидан ҳам баъзилари сўзга чиқиб, ўзларига яратилган бу имкониятларнинг бош ҳомийси ва сабабчиси сифатида Президент Ислам Каримов номини алоҳида эҳтиром билан тилга олдилар, улар келажақда, албатта, бу диққат-эътибор, ишонч ва меҳрни оқлашга сўз бердилар.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Тақдирлаш маросимидан сўнг матбуот анжумани ўтказилди. Унда конференцияга ташриф буюрган, нафақат юртимизда,



ча ғолибларнинг рўйхати газетамизнинг кейинги сонларидан бирида эълон қилинади).

Шу билан бирга АНДУ, БухДУ, ТДТУ ректорлари томонидан конференция иштирокчиларига қўшимча равишда 5 тадан стипендия, олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан барча 150 нафар иштирокчига стипендиялар, ғолиб ўқувчиларни тайёрлаган 18 нафар ўқитувчига эса "Ўрта махсус, касб-хунар таълими адлочиси" кўкрак нишони ҳамда энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдори-

молар кўтарилиб, бир-биридан муҳим тақлиф-мулоҳазалар билдирилди. Бугунги ва бундан кейинги ўтказиладиган конференция иштирокчиларини доимий эътиборда сақлаш, уларнинг келажақдаги илмий фаолияти учун йўл очиш, бундай иқтидорли болалар учун махсус илмий мактаблар яратиш, табиий фанлар соҳасидаги илмий янгиликлар, олиб бориладиган ишларни ёритиб борувчи махсус журнал ташкил этиш каби тақлифлар шулар жумласидандир.

Фурсатдан фойдаланиб, биз ўз компьютерлари олдида ҳаяжон билан турган ғолибларни суҳбатга тортдик:

Муҳаммад ЖАМИЕВ, НамДУ қошидаги академик лицей ўқувчиси:

— Бу илмий анжуманда менинг меҳнатим қадрланиб, юқори ўринга тавсия этилгандан қаттиқ ҳаяжонланаяпман. Аввало, бизга бундай имкониятларни яратиб берган Юртбошимизга, қолаверса, ушбу конференция ташкилотчиларига, лицейдаги устозларимга чексиз миннатдорчилик билдираман. Мен икки нафар дўстларим билан халқаро фан олимпиадасида иштирок этиш учун номзод сифатида танлаб олиндик. Бу синовдан ҳам муваффақиятли ўтишга барча имкониятимизни сарфлаймиз.

Анвар ЁРМУҲАММЕДОВ, БухДУ қошидаги лицей-интернат ўқувчиси:

— Мен бу каби конференцияларнинг кўпроқ ўтказилишини, шу билан бирга ўзимга тенгдош бўлган, бугунги кунда турли шаҳарлар, туманларда таҳсил олаётган ёшларнинг ҳам ана шундай анжуманларда фаолроқ бўлишини истардим.

Комила ЮНУСОВА, 2-Тошкент тиббиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси:

— Мен ушбу конференцияга келиб, машҳур олимлар, аниқса, ўзим тенги илм истаб юрган ёшлар билан танишганимдан ниҳоятда хурсандман. Келгусида илмий фаолиятимни давом эттиришга, илм-фан ривожига ҳиссамни қўшишга бор кучим билан ҳаракат қиламан.

"Бундан кейинги йилларда мазкур конференцияда қатнашмоқчи бўлган ўқувчи-ёшларга қандай маслаҳатлар берган бўлар эдингиз?", деб берган саволимизга уч нафар ғолиб ҳам бир овоздан тинимсиз МЕҲНАТ, ИЗЛАНИШ, ЎҚИШ, дея жавоб қайтаришди.

Бугун бу ҳақиқатни англаб етган минглаб ёшларимизнинг илм-фан чўққиларини эгаллаш учун қилган илк парвози бундан-да баланд бўлсин!

Мавлуда НИШОНОВА, ЎМКХТ маркази бош мутахассиси, Нурлан УСМОНОВ, Ботиржон ҒОҒУРОВ, "Маърифат"нинг махсус мухбирлари

Суратларда: конференция жараёнидан лавҳалар. Абдулғани ЖУМА ва Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

Бугун эл севган ва ардоқлаган санъаткор Коммуна ИСМОИЛОВАни республикамизда танимайдиган, унинг юксак санъатини қадрламайдиган, эъзозламайдиган киши топилмаса керак. Санъат соҳасига ҳаётининг 60 йилини бағишлаган, шундан 30 йил республика радиосида, 17 йил филармонияда меҳнат қилган, 20 йилдан буён Санъат институтида дарс бериб келаётган Коммуна опа Исмоилова 75 ёшга қадам қўйган бўлсалар-да, ҳали бардам, тетик. Мухбиримизнинг Коммуна опа билан бўлган суҳбатини ҳукмингизга ҳавола этмоқдамиз.

— Коммуна опа, санъатдаги ҳаётингиз дебоҳаси қаердан бошланган эди?

— Ота-онам Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни тамомлаганларидан кейин, Хоразмда бир неча йиллар давомида қишлоқ хўжалиги йўналишидаги бошқарув органларида ишлаган, отамнинг сўнги 30 йиллик ҳаёти эса муаллимликка бағишланди.

1933-34 йилларда Тамарахоним Урганчда ишлаганлар. "Фарҳод ва Ширин"да Ширин, "Лайли ва Мажнун"да Лайли ролларини ижро этганлар. Мен санъатни ёшлигимдан севганлигим боис ҳамда уйимиз театрга яқин бўлганлиги учун кўпинча уйдан театрга қочиб кетардим. Эсимда, ана шу театр сахнасида илк бор 6-7 ёшимда подшоини елиб ўтирадиган ҳабаш бола бўлиб чиққанман. Биласизми, театр актёрларига муҳаббатим юксак эди. Деярли бўш вақтим тўлиқ театрда ўтарди. Аксарият ҳолда ота-онам мени ўша санъат даргоҳидан топиб келишарди. Саҳна кўринишларида ижро этиладиган кўшиқларга махлиё эдим. Гарчи "Фарҳод ва Ширин"да Хисрав ва Ширинни, "Лайли ва Мажнун"да Лайлини елпиб ўтирганим билан барибир ҳаёлим ашулада бўларди. Спектакль давомида ўрганганларимни дастлаб уйда ота-онамга айтиб берардим. Мусиқа дарсида эса ўша саҳна кўринишларидан маълум бир парчаларини, ашулаларини ёддан айттардим. Мактабда турли хил тадбирларга қатнашиб, доимо биринчилиكنи қўлга киритардим. Яна шуниси эътиборлики, уйда дадам бир томондан, амаким бир томондан дарс ўргатганликлари учунми, зехним жуда ўткир эди. Фақат "аъло" баҳоларга ўқирдим. Ҳатто бир йилда икки синф дастурини тугатардим. Шундай қилиб, 9-синфни 14 ёшимда битириб, 6 ойлик муаллимлик курсига кирганман. Биз ўқиган даргоҳ артистлар жойлашган меҳмонхонага яқин эди. Мен шаддод қиз бўлганлигим учун кўпинча синфхонанинг дераза тоқчасида ўтириб, кўшиқ айтишни ёқтирардим. Бир куни:

"Ташлама бунда мани, Майдонда ҳам ёринг бўлай."

Дори-дармонлар тугиб, Ёнингда ҳамроҳинг бўлай," —

деб Курбон Умаровнинг ашуласини айтиб ўтиргандим. Ансамбль мусиқа раҳбари Фахриддин Содиқов ҳамда ансамбль раҳбари Гавҳар опа иккаласи илм масканимиз ёнидан ўтиб кетаётиб, кўшигимни эшити-

шибди. Сўнг ичкарига кириб, мени сўратибдилар. Амаким Отажон Ёвбосаров директор пайти эди, у киши "ҳойнаҳой бу менинг жияним бўлса керак", деб мени чақиртирди. Мен эса "Оббо, яна уришишди, шекилли" дея хавотир билан олдиларига чиқсам, ҳалигидай гап: Гавҳархоним "Сиз санъатни севар экансиз. Ҳозиргина чиройли ашула айтган қиз сиз эмасми?" деб сўрадилар. "Ҳа" дедим. Улар эса "Биз билан кетишни, санъаткор бўлишни истайсизми?" дедилар. "Истайману ота-онам рухсат беришса", дедим. Шундан кейин санъаткорлар ўзларининг охириги концертига иккита чипта амакимга оиласи билан, яна иккита чипта ота-онамга беришди.

Коммуна ИСМОИЛОВА:

«ОТАМ МУАЛЛИМА БЎЛИШИМНИ ИСТАРДИ»

Менга эса "Сизни саҳна ортида кутамиз" дедилар. Шундай қилиб, уйдагилар концертга бориб, яхши таассуротлар билан қайтишди.

Кейин билсам, ансамблга менга қадар икки нафар хоразмлик қизлар — Раҳимахон Ҳакимова ва Ўғилой Машариповаларни Гавҳар опа 1939 йилда олиб кетган экан. Улар дастлаб мени меҳмонхонага чақиришиб, кўшиқ айттириб кўришди. Сўнг рақсга ҳам туширишди. Мен эса мактаб пайтида ноқ бинойидек рақсга ҳам тушардим, ашула, лапарлар ҳам айттардим. Устозларим бизнинг уйда меҳмон бўлишиб, онамга: "Қизингиз бизга жуда ёқиб қолди. Яна икки кундан кейин кетамиз. Коммунахонни биз билан юборсангизлар", дейишди. Онамнинг: "Ахир бу ёш-ку, эндигина ўн тўрт ёшга тўлди-я" деганларига: "Биз ўзимиз катта қилиб оламиз" деб жавоб беришди. Онам "Отасидан сўрайлик", дедилар. Отам эса менинг муаллима бўлишимни хоҳларди. Чунки муаллимликка ҳам иқтидорим бор эди-да. Охири оқибатда уйдагилар Гавҳар опанинг "Ўзим устозлик қиламан", деган сўзларидан сўнг рухсат бердилар.

Шу тарихда ансамблга қабул қилиндим. Бир ойдан сўнг гастролга чиқдик. Дастлабки пайтда мактабда айтиб юрган ашулаларимни репетиция қилиб, айтиб юрдим. Устозларимнинг айтганларини бир пасда илғаб олиб, хорда ҳам, умумий ялаларда ҳам, рақсларда ҳам қатнаша бошладим. Хуллас, янги шароитга мослашиш

Мehmonxона



мен учун қийин бўлмади.

— **Мактабдаги ўқувчилик йилларингизни, илк устозларингиз севимли дарсларингизни хотирлайсизми?**

— Урганчдаги ўша пайтда Максим Горький номидаги мактабда ўқиганман. У ерда математика фанидан Оллоберганов, тарихдан Саидов, физикадан эса Каримов деган муаллимларнинг кизиқарли дарс ўтганликлари ҳамон эсимда. Афсуски, уларнинг исмлари ёдимдан кўтарилибди. Умуман, ўқитувчиларимнинг барчасига бир умр қарздорман.

ги ниятим — сени "Халқ артисти" бўлганинг-да кўриш", деди. Афсуски, унга "Халқ артисти" бўлганимни кўриш насиб этмади.

1967 йилда Мукаррама Турғунбоевнинг "Баҳор" ансамбли билан Москвада яна гастролда бўлдик. Мен "Гулнора"ни рақс билан ижро этдим. Залда эса Симбирцевнинг хотини ўтирган экан. Ўзбек санъати, маданиятини юксак қадрловчи бу инсонлар ҳеч ёдимдан кетмайди. У: "Мен ўша Симбирцевнинг аёлиман, сизнинг "Халқ артисти" бўлганингизни эрим кўролмади, аммо менга кўриш насиб этди, бахтли бўлинг" дея юзимдан ўпди... Бу билан нима демокчиман? Инсонга чин дилдан яхши тилак тиланса, тилаги, албатта, ижобат бўлар экан.

— **Умрингизнинг анча йиллари бевосита республика радиоси билан боғлиқ аснода кечиб келаяпти. Илк бор радиога қачон кириб келгансиз ва бу ерда илк бор ижро этган кўшигингиз қайси?**

— Республика радиосига 1959 йил 27 апрелда илк бор "Ноз этма", "Ўйланма", "Гулнора", "Ўғлимга ўхшайди овозинг сани", "Бахт

Жабборов Пулат Мўмин шеърига "Шифокорлар" ашуласини ёзиб берган. Кейинчалик бу кўшиқ шифокорларнинг катта-катта тадбирларида ўзига хос мадҳияга айланиб кетди.

— **Айтинг-чи, Сизнингча, ҳофизу моҳир санъаткорлардан Шерозий ҳофиз, Ваҳобжон Фаёзовларни эсдан чиқариб қўймаймизми?**

— Мен уларнинг айтган ашулаларини талабаларга мунтазам равишда ўргатиб келаяпман. Ҳозирги хонандалардан Гулбаҳор Эрқулова, Матлуба Дадабоевалар ана шу устозларимизнинг кўшиқчилиги йўлларини давом эттиришди, деб ўйлайман. Бу борада ўз кўшиқларимни ҳам ёшларга ўргатиб келмоқдаман. Масалан, Ғанижон Тошматов номидаги дуторчи қизлар ансамбли 20 та ашуламини айтаяпти. Аммо ҳозир ёшларимизнинг аксарияти энгил-елпи кўшиқларга қизиқиб кетганлиги одамни ташвишлантиради. Наҳотки бизнинг ёшлар ўз классик асарларимиздан баҳраманд бўлишни исташмаса?..

Ҳозир "ўлдим-қўйдим"дан нарига ўтиш йўқ. Турли хил касб эгаларига бағишланган мусиқа асарлари деярли яратилмаяпти. Бугун биз нима учун нону тузимизни бераётган оддий меҳнаткашларни кўшиқ қилиб айтмаймиз? Улар ўз меҳнатларининг қадрлиниши, эъзозланиши тўғрисида эшитгиси келмайди, деб ўйлайсизми?

— **Репертуарингизда бошқа халқлар тилларидаги кўшиқлар ҳам борми?**

— Туркман, озарбойжон, тожик, қирғиз, қозок, қорақалпоқ, татар, украин тилларида кўшиқларим бисёр.

— **Санъат йўлидаги илк устозларингиздан сўнг яна кимларни устозим деб биласиз?**

— Мени эл-юртга танитган устозим — бу буюк санъаткор, халқимизнинг севимли актрисаси Ҳалимахон Носиrowадир. Чунки, у киши билан "Меҳнат аҳли", "Чаман ичра", "Озода гўзал ўлкам" кўшиқларини бирга айтиб халққа танилганман. Хоразм, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Фарғона, Ўш шаҳарларига гастролларга борганимизда ён-атрофда: "Ҳалима Носиrowа шоғирди Коммуна билан келибди!" деган овозлар тарқаларди. Кейинчалик бир ўзим борган жойларда ҳам "Э, Халима опанинг шоғирди келибди" дейишарди. Халима опа доимо "Коммуна, сен камтар, ҳаммага ширинсўз бўлгин, қўларинг кўксингда, бўйнинг доимо эгик бўлсин" дея насиҳат берарди. Худога минг шукрки, устозимнинг ушбу сўзларига амал қилган ҳолда ўсдим, улғайдим. Фарзандларимга ҳам шуну ўқитиб ўтираман.

— **Газетамиз муштарийларига тилақларингиз?**

— Халқимизнинг асл фарзандлари, авваламбор, она-Ватанига содиқ бўлишсин. Юртини, ота-онасини севсин. Бир-бирига қадр-қимматли бўлсин. Юртимиз тинчлигига асло кўз тегмасин. Бугунги кун қадрига етайлик, азизлар.

Нурлан УСМОНОВ
суҳбатлашди.

куйида сайрайман" ашулалари билан келганман. Бу ерда 30 йил ишлаб, нафақага чиқдим. Менинг радио фонотекасида 468 та кўшигим бор. Шунинг ичида устозим Фахриддин Содиқов менга 43 та ашула ўргатганлар. Радиога келган дастлабки пайларимда аксарият бастакорлар ўз асарларини менга беришарди. Уларнинг ишончларини оқлаш учун кўшиқларини халққа ёқадиган бўлсин, деб, ўзимдан ҳам қўшиб, юрак-юрагимдан айттардим. Бугун уларнинг ҳар бирини устозим, деб бемалол айта олам.

1960 йилда Берта Давидова, Ориф Алимахсумов, Карим Мўминов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Сирож Аминов, кейинроқ эса Алижон Ҳасанов, Толибжон Бадиновлар билан бирга 6 та мақомни ҳам радиога, ҳам пластинкага туширганмиз. Юнус Ражабий эса буларни ноталари билан китоб ҳолига келтирдилар.

Радиога ишлаган пайтимда ҳам мақомда, ҳам оркестрда, ҳам хорда ишлар эдим. Сабаби, менинг овозим ҳаммасига тўғри келар эди. Оркестрнинг ўзида юқорида таъкидланган 468 та кўшиқнинг 170 таси ёзилган. Ҳозир буларни талабаларимга ўргатаёпман.

— **Ўзингизга бағишланган кўшиқлар яратилганми?**

— Сизга бир мисол келтиришим мумкин. 1962 йили оғир касал бўлиб қолдим. Асабларим бузилиб, овозим йўқолиб қолди. Тузалганимдан сўнг Комилжон

ТАДҚИҚОТЛАР ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон тарихи — жаҳон тарихининг таркибий бир қисмидир. Уни чуқур, ҳолисона тадқиқ ва таҳлил қилиш мамлакатимизнинг жаҳон ҳам-жамиятидаги ўрнини аниқлаб бериш билан бирга юртимизнинг буюк келажагига йўлчи юлдуз вазифини ҳам ўтайди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йили қабул қилинган «ЎзР ФА Тарих институтининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қароридан сўнг ушбу илм даргоҳи республикада тарих соҳасидаги тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи илмий марказ мақомини олди. Шу билан бирга ўтган даврда институтнинг олимлари томонидан ўзбек халқининг собиқ совет даврида атай унутилган ва бирёқлама тадқиқ этиб келинган бой тарихини илмий ҳолислик асосида тиклаш ва халққа етказиш борасида қатор салмоқли ишлар амалга оширилди. Айниқса, сўнгги уч йилда қилинган ишлар алоҳида таҳсинга лойиқ. Институт жамоаси томонидан ўтган 1999-2001 йиллар мобайнида 19 та монография, 19 та илмий, илмий-оммабоп рисоалар, 1 та дарслик нашр қилинди. Яқинда Темурийлар тарихи давлат музейида ушбу китобларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ушбу нашрлар асосан ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихининг долзарб муаммоларига бағишланган бўлиб, уларда халқимизнинг ўтмиши ҳамда тарихимизда ўз ечимини топмаган қатор тарихий жараёнлар, чигал воқеа-ҳодисалар аниқ манбалар, архив маълумотлари ва илмий адабиётлар асосида очиб берилган. Жумладан, ўзбек ва рус тилларида чиқарилган «Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари» монографияси, «Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар», «Қадимги Нахшаб», «Қадимги ёзма ёдгорликлар», «Тарих шохидлиги ва сабоқлари: чо-

ризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши», «Туркистон XX аср бошида: миллий мустақиллик сарчашмалари», «Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни», «Мустақиллик учун курашлар тарихидан», «Туркистон миллий-озодлик ҳаракати», «Туркистон мухторияти», «1917-50 йиллар Ўзбекистондаги миллий зиёлилар ва тарихий жараёнлар», «Мустақил Ўзбекистон тараққиётининг ғоявий асослари», «Авесто»дан мерос маросимлар» китоб ва монографиялари, шунингдек, ўрта умумтаълим мактабларининг 10-синфлари учун «Ўзбекистон тарихи» дарслиги ва бошқа кўплаб монография ва китоблар ҳам нашр қилинди. Институт томонидан бундай қизиқарли ва долзарб мавзуларда китобларнинг яратилиши тарих фанини янги поғоналарга кўтарибгина қолмай, халқимизнинг ўзлигини теран англашига ҳам кўмаклашади. Бундай китобларни ўқиган ҳар бир киши, шубҳасиз, халқимиз нақадаф бой маънавиятга эга эканлиги, биз танлаган ривожланиш йўлининг қанчалик тўғрилигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилади.

Тақдимот маросимини ЎзФА вице-президенти Т.Мирзаев олиб борди. Сўзга чиққанлардан Рустам Қосимов, Дилором Алимова, Эдвард Ртвеладзе, Анатолий Саъдуллаев, Аҳмадали Асқаров, Рустам Сулаймонов, Мирсодиқ Исҳоқов ва бошқа таниқли олимлар ЎзРФА Тарих институти фаолиятига юксак баҳо бериб, ушбу нашр қилинган китоб, монография ва дарсликлар халқимизни узоқ ва яқин ўтмишимиз билан таништирибгина қолмай, миллий бойликларимизни асраб-авайлашга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга даъват этишини таъкидлашди.

Хусан НИШОНОВ

Инсон ҳуқуқлари масаласи ўтмишдаги мутафаккир, давлат ва жамият арбобларининг эътиборидан четда қолмаган.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таълимотнинг ривожланишида шарқ мутафаккирларининг хизматлари бениҳоя каттадир. Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улугбек, Навоий, Бобур Мирзо сингари улаб олимлар, давлат арбоблари дунёқарашида, уларнинг амалий ишларида инсон

зарарларни исботлаганимдан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим, Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим» («Темур тузуқлари»).

Инсон ҳуқуқлари масаласи ислом таълимотида ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ АСРЛАР СИЛСИЛАСИДА

ҳуқуқлари, эркинликлари, қадриятлари масаласига бефарқ қарамаганлари ҳолида, бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдирганлар. Инсонлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, инсон эркинлиги, ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисида қайгуриш, инсон шаънини камситадиган ури-нишларга йўл қўймаслик ғоялари шулар жумласидандир.

Амир Темур ҳукмронлик қилган даврда инсон ҳуқуқларини камситишга қаратилган ҳар қандай ури-нишларга чек қўйилган ва бундай ҳаракатларнинг «раҳнамо»лари ҳамда иштирокчилари қаттиқ жазоланган. Бошқача айтганда, қонун олдида бой ҳам, камбағал ҳам тенг бўлган. Амир Темур: «Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний

Уламоларнинг таъбирига кўра, исломда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари унта, улар:

1. Оллоҳ таолонинг ҳақ-ҳуқуқлари
2. Пайгамбарнинг ҳақ-ҳуқуқлари
3. Ота-онанинг ҳақ-ҳуқуқлари
4. Фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари
5. Қариндошларнинг ҳақ-ҳуқуқлари
6. Эр-хотиннинг ҳақ-ҳуқуқлари
7. Ҳокимият ва раиятнинг ҳақ-ҳуқуқлари
8. Қўшниларнинг ҳақ-ҳуқуқлари
9. Мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари
10. Гайридин халқларнинг ҳақ-ҳуқуқларидан иборат.

Ҳадиси Шарифларда ҳам инсоннинг қадр-қимматини камситишга

йўл қўймаслик, унинг шаъни ва об-рўсига тажовуз қилмаслик, эркин фикр юритиш, эркин сўзлашиш сингари шахсий ҳуқуқлари билан бирга, унинг мулкка эга бўлиши, турар жойли бўлиши ва турли хилдаги ижтимоий ҳуқуқлари ҳам шариат талабларига ва қонунларига мувофиқ ҳимоя қилиниши зарурлиги айтилган.

Moziydan sado

Алишер Навоийнинг «Вақфия» асарида турли табақага оид кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳар бир инсоннинг ҳалол меҳнат билан шугулланиши зарурлиги илгари сурилади. Навоийнинг ёзишича, ҳар бир ҳукмдор меҳнат аҳлини улуглаши керак:

Эрурсан шоҳ — агар огоҳсен сен

Агар огоҳ сен — шоҳсен сен.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари биринчи ўринга қўйилган, унда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, уларнинг кафолати ҳамда фуқароларнинг бурчлари мустаҳкамланган.

Обида БҲРОНБОЕВА,
ТДЮИ «Ўзбек тили ва адабиёти»
кафедраси катта ўқитувчиси

АЁЛ ҚАЛБИ СЕВИНЧГА ТЎЛСИН

Аёл-она, аёл-махбуба, аёл-ҳаёт чироғи... Бу сўзларнинг замирида қанчалар маъно борлигини барчамиз дилдан чуқур ҳис этамиз. Бинобарин эзгулик меҳр, вафо деб аталмиш туйғу, аёл қалбидан булоқдек отилиб чиқаётган меҳр нурининг намоишидир.

Президентимиз Ислон Каримов «Аёлларни қанчалик улугласак, ҳаётимизнинг чироғи, умримизнинг гули деб эъзозласак, демакки оиламизни, ватанимизни эъзозлаган бўламиз» деб эътироф этганларидан ҳам аёлнинг нурли камолак бўлиб, ўз фарзандларининг меҳр юлдузи эканлигини ифодаланган. Ҳақиқатдан ҳам бу муҳтарам зотнинг ҳусну-латофати кўнгилнинг ёзиғи бўлса, садоқати эса жон озиғидир. Дарҳақиқат, ўзбек оиласининг давлати ва бахти, мустақамлигини таъминловчи, етакловчи қудратли куч Онажонларимиздир.

Навоий вилояти ҳокимлиги томонидан хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасига астойдил ғамхўрлик қилинмоқда. Бунинг самараси ўлароқ вилоят хотин-қизлар кўмитаси, маънавият ва маърифат маркази, «Камолот» ЁИХ вилоят бўлими ҳамда Навоий педагогика коллежи ҳамкорлигида 8-март халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб «Аёл — она, аёл — махбуба, аёл — ҳаёт чироғи» мавзусига бағишлан-

ган қизлар давраси беллашуви Кармана шаҳрида ўтказилиши режалаштирилмоқда. Беллашув иштирокчилари «Энг буюк завқ нима?», «Чинакам бахт нима?», «Муҳаббат қачон барқарор бўлади?», «Бахтиёр инсон ким?», «Хушфезъликнинг бошқа фазилатларидан афзаллиги нима?», «Эртанинг ғамини қандай ўйлайсиз?», «Беғуборлик, самимийлик нима?», «Эҳсонли, муруватли, карамли бўлиш нима?», «Иқбол, соғинч, эзгулик нима?», «Дўстлик муносабатлари эскирадимиз?» каби саволларга миллий қадриятларимизга таяниб ҳикматли сўзлардан фойдаланиб жавоб топиши керак.

— Тадбирдан кўзда тутилган мақсад, қизларимизни истиқлол туҳфа қилган ёруғ кунларининг қадрига етиб, оила, рўзгор, бола тарбияси, орзу умидлари ҳақидаги фикрлари ўрганилиб, ҳакамлар хайъати томонидан муносиб баҳоланади, — дейди вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Ибрагимова. — Айтиш жоизки, беллашувнинг ғойиблари вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази ва вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан тақдирланиб, байрам концерт дастури намоиш этилади. Айни кунларда ушбу тадбирни юқори савияда ташкил қилиш учун қизгин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Ўткир ПЎЛАТ

Taraddud

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультетида II босқич талабалари билан «Маънавият, тасаввуф ва мафкура» мавзусида илмий анжуман бўлиб ўтди. Факультет декани Н.Бекмирзаев университет миқёсида амалга оширилётган ижобий ишлар тўғрисида батафсил маълумот берди. Сўнгра 15 нафар иқтидорли талабаларнинг маърузалари тингланди.

Маънавият, маърифат ҳамда тасаввуф миллий мафкуранинг негизини ташкил қилади. Бу эса улғайиб келаётган авлоднинг онги ва

MaddaBda MePax ABTdaLenix

шуурига сингдирилиши керак. Бўлғуси филолог мутахассислар ҳам Президент И.Каримовнинг бир қатор асарларида, йирик тасаввуф сиймоларининг ижодида акс этган маънавият, маърифат масалалари ҳусусида фикр-мулоҳаза юритдилар. Зеро, миллий истиқлол ғоясини теран маъноси билан англаган талаба буни келгусида бошқаларга еткази олади. Айниқса, буюк аждодларимиз хотирасига бағишланган маърузалар талабаларда бобокалонларимизга нисбатан миллий ифтихор туйғусини янада жонлантириб юборди.

Фалсафа фанлари доктори, профессор М.Нурматов раҳбарлигида ўтган ушбу анжуман талабаларни мустақил фикрлашга, миллий мафкурамизни янада чуқурроқ англашга ўргатувчи дадил қадам бўлади.

Фаррух БҲАЕВ

МАКТАБЛАР БОҒИДА ИШ ҚИЗҒИН

Мана, баҳор фасли ҳам кириб келди. Юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжида.

Халқимизда «Сариштали уй — фариштали уй» деган ажойиб нақл бор. Буни назарда тутиб туманимизда кўкламги ишлар ҳам бошлаб юборилди. Қашқадарё вилоят ҳокимининг «Вилоятда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш уч ойлигини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан Касби туман халқ таълими бўлимида ҳам тадбирлар ишлаб чиқилиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошланди. Чунончи, илм масканлари биноларини замонавий меъморчилик талаблари асосида таъ-

мирлашга алоҳида эътибор берилаяпти. Ҳозиргача туман мактаблари ва бошқа таълим муассасаларида 6000 тупга яқин мева, 10000 тупдан зиёд манзарали дарахт ва 1000 тупдан ортиқ гул кўчатлари ўтказилди. Айниқса, Садриддин Айний, Тилоҳат Қобилова, Усмон Носир, Ботир Дўстбоев, Алишер Навоий, Фитрат, Мирзо Турсунзода номли мактабларнинг жамоалари бу борадаги тадбир ва режаларнинг тўла ба-жарилишига эришаётирлар.

Илм масканларидаги мавжуд томорқа ва боғлардаги дарахтлар оқланиб, уларга шакл берилиб, янги ниҳоллар ўтказилмоқда.

Мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари тасарруфида-

ги 80 гектарга яқин ер майдони баҳорги экин мавсумига тахт қилиб қўйилди. Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур экин майдонларидан олинган даромадлар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини ўқув қуроллари билан таъминлаш ҳамда мактаб биноларини таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига сарфланади.

Ободонлаштириш борасида пешқадамлик қилаётган мактаблар ва «Хуррият» болалар боғчаси жамоаси туман ҳокимлигининг совғаси билан тақдирланди.

Раҳмон МУРТАЗОЕВ,
Касби туман халқ
таълими бўлими мудири

ҲАЁТ ЗАВОЛИ

Гиёҳванд модда истеъмол қилгандан сўнг юз бераётган жиноятларнинг бош сабабчилари кимлар эканлиги ҳақида уйлаб курганмисиз? Расмий маълумотларга кўра, бугунга қадар ер юзи аҳолисининг 20 миллионга яқини, “қора ажал” қурбони бўлишган. Айни чоғда эса, дунё бўйича 180 млн киши мазкур “оғу”ни истеъмол қилади. Биргина 1999 йил Урта Осиё давлатларида

героин, 1,303,918 кг. 4, 4 4 8, 118кг. опиум моддалари махсус органлар томонидан муҳофизат қилинган. Лекин шу хилдаги қора бизнесни амалга оширган “корчалон”ларга 2000 йил Афғонистонда 10—20 фоиз солиқ солган “Толибон” ҳаракати 75 млн. доллар фойда курган. Яна шундай йирик “корчалон”ларнинг бир гуруҳи Сенегал давлатидаги Дакарс портида 5,3 тонна наша билан қўлга олинганди. Бундай йўл билан айрим “бизнесмен”лар мўмай фойда қўришаётган бўлса, унинг салбий томони ҳам ҳисобсиз ортиб бормоқда. Ҳатто ушбу “оғу” комида қолган ваҳшийлар ҳеч нимадан тап тортишмаяпти ҳам. Жумладан, ўтган йили дунё бўйича шу билан боғлиқ усмирлар орасида 290 мингга жиноят содир этилган. Фикримизни исботлаш учун бу ҳақда мисолни узимиздан келиб чиқиб айтиладиган бўлсак, Одил Маликов 16 йилга озодликдан маҳрум қилинди. У гиёҳванд модда истеъмол қилиб, турмуш ўртоғини пичоқлади, унинг ҳаётдан кўз юмишига сабабчи бўлди. “Бухоро вилояти судининг ҳукми билан Асад Рахимов ва Музроб Тўраевлар 962гр. героин ва 12 кг. 387 гр. опиум моддасини ноқонуний сотишга ҳаракат қилганликлари учун ЖК 273-моддасининг 5 қисми билан жазоландилар”.

Агар биринчи мисолда жиноят юз берган бўлса, иккинчисида бордию Асад ва Музробдан тортиб олинган захри қотил гиёҳвандлар қўлига етиб борганида, унданда оғирроқ жиноятлар содир этилиши мумкин эди... Шукрки, вазият унчага бориб етмади.

Минг афсуски, меҳнат қилмай пул топиш илнжида юрган манфур кишилар қанча инсонларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда! Жиноятчини жазо-

лагандан кўра, уша жиноятнинг олдини олсак мақсадга мувофиқ буларди. Шундагина, кимларнингдир бошига қора кунлар тушмаган, кимлардир яқинидан ажралмаган буларди. Яна бир жиҳат, гиёҳвандлик йўлига энди кирган ёшларимизга нисбатан озгина эътиборсизлигимиз ҳам бунга сабаб бўлмаяптимикин? Ҳозирда “огоҳлик” деган тушунчани кўпчилик фақатгина бегона киши қолдирган қутидан эҳтиёт бўлиш ёки уйининг ёнида пайдо бўлган узга машина ҳақида милицияга хабар беришдан иборат деб тушунади. Тўғри, шундай бефарқлигимизнинг оқибатлари нисбатан олиб келганини яхши биламиз. Лекин, бугунги кунда огоҳликнинг қўлами жуда кенг ва талаблари шу қадар жиддий, уни уқдалаш учун кишидан нафақат синчковлик, балки чуқурроқ мушоҳада ҳам талаб этилади. Сабаби, гиёҳвандликдек аср вабосидан бутун жаҳон аҳли изтироб чекаётган маҳалда унга қарши фақат тегишли идораларгина кураш олиб бориши тула самара бермайди. Аксинча, ҳамма бирдек ҳаракат қилиши керак. Таассуфки, айрим юртдошларимиз “менга нима, бировнинг боласи билан неча пуллик ишим бор?” қабилида иш тутиб қўшнисининг ўғли гиёҳванд моддасини истеъмол қилаётганидан хабардор бўлса-да, боланинг



ота-онасига лом-лим дейишмайди.

Уйлашимча, ҳар бир виждонли киши бу борада қўл қовуштириб туриши яхшилик аломати эмас, қачонки, у тирик мурдага айланиб, қабиҳ ишларга қўл урганидан сўнггина қай-гуришимиз, тўйдан кейин ногора чалишлик билан тенгдир.

Дарҳақиқат, бугун гиёҳвандлик глобал муаммоларнинг бирига айланиб улгурган экан, ҳаммамиз бу иллатга қарши бир тан бир жон бўлиб курашмоғимиз даркор.

Шерзод АХМАТОВ
“Маърифат” мухбири

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 293-ўрта мактабда анъанага айланиб бораётган “Йил ўқитувчиси-2002” кўрик-танлови бўлиб ўтди. Танловда ушбу мактабнинг тўрт нафар ўқитувчилари

бўйича ўзаро беллашдилар. Биринчи шарт бўйича ўқитувчилар ўзларини таништирдилар. Сўнгра ҳар бир ўқитувчи ўз фанини қанчалар муҳим ва керакли эканлигини тарғиб қилишди. Педагогик

Tanlov

шайдо эканликларини намоиш этдилар.

Кўрик-танловда барча шартларни моҳирона бажар-

КИМ ҚАЙСИ ЎРИНГА САЗОВОР

яъни бошланғич синф ўқитувчиси Матлуба Маҳмудова, инглиз тили ўқитувчиси Нафиса Туропова, меҳнат ўқитувчиси Гулчеҳра Сейфоновна, кимё ўқитувчиси Зоҳида Шожалиевалар тўртта шарт

муаммо шартда улар бугунги кунда учраб турадиган баъзи иллатларни саҳна кўриниши орқали кўрсатиб боришди. Эркин мавзуда ўқитувчилар ўзларининг қанчалар шеърятга ошно, санъатга

ган М. Маҳмудова биринчи ўринга муносиб, деб топилди. Энди у туманда бўлиб ўтадиган “Йил ўқитувчиси-2002” кўрик-танловида ўз иқтидорини намоиш қилади.

Ҳонбиби ҲИММАТ қизи

Ниҳолнинг дарахт бўлиб, мўл ҳосил бериши учун уни новдалигиданоқ яхши парвариш қилиб бориш лозим. Инсон ҳам дарахтга ўхшайди. Ёшлиқдан тўғри йўлга солиб, маънавий озуқа бериб турилса, улғайгач дунёга ўзгача нигоҳ билан боқувчи етук ва баркамол шахс сифатида намоён бўлади. Китоб эса айнан шундай озуқа манбаидир. Келинг, талабаларимиз ҳаётига назар ташлаб, улар орасида китобхонлик даражаси қандайлиги ҳусусида тўхталайлик. Хўш, бугунги кунда талабаларимизнинг китобга, ҳусусан, бадий адабиётга қизиқиши қандай?

Биз бу саволга жавоб топиш учун Тошкент Давлат техника университети фундаментал кутубхонасида бўлдик. Анча йиллардан буён фаолият кўрсатиб келаётган бу ку-

лари нисбатан озчиликни ташкил қилади. Демак, кутубхона ўзбек тилида чоп этилган бадий адабиётлар билан китобхонлар хоҳишини қондира олмаётгани тайин ёхуд талабалар орасида бадий адабиёт мухлислари камлигидан бунга зарурат сезилмаяпти. Бу ҳусусда бадий адабиёт бўлими ходимаси Феруза Сайидаҳмедова билан суҳбатлашдик:

— Бўлимимизга китобхонлар кўп келиб туришади. Бироқ ачинарлиси, бизда ўзбек тилидаги китоблар кам. Кўпинча, ўқувчилар сўраб келишган адабиётларни топиб бера олмаймиз.

Кутубхона ходимлари томонидан қилинган ҳисоботларга кўра, ўтган йили бадий адабиётлар бўлимида китобхонлар сони 2087 нафарни, китоб бериш эса 18396 донани ташкил этган. Аммо биз бўлимга

ТАЛАБА БАДИЙ КИТОБ ЎҚИЙДИМИ?

тубхона фондида 1 млн. дан ортиқ китоблар мавжуд бўлиб, 100 мингга яқини умумий, яна 200 минг атрофидаги бадий ва бошқа турдаги китоблар жамланган. Кутубхонада китобхонларга қўлайлик яратиш учун мавжуд адабиётлар бўлимларга ажратилган. Масалан, илмий адабиётлар бўлими, бадий адабиётлар бўлими, газета ва журналлар бўлими, чет тилини ўрганиш бўлими, каталоглар бўлими... Бу китоб истаб келувчиларнинг керакли манбани тез ва осон топишига хизмат қилади. Шунингдек, университет факультетларида фаолият кўрсатаётган кутубхонанинг асосий 4 бўлими талаба вақтини бироз бўлса-да, тежашга хизмат қилади. Кувонарлиси, кутубхонада замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, компьютер тизимидан унумли фойдаланилмоқда. Интернет тармоғига уланган 4 та компьютер қурилмаси талабаларнинг дунё мамлакатлари билан бе-пул боғланишини, керакли маълумотларни олишини таъминлайди. Бироқ кутубхонанинг турли бўлимлари билан таниша туриб, бадий адабиётлар бўлимига кирганимизда, кўтаринки кайфиятимиз бироз хира тортиди. Чунки бўлимдаги китобларнинг асосий қисмини рус тилида нашр этилган адабиётлар ташкил этар экан. Бироқ, талабалар орасида рус ва русийзабон миллат вакил-

кирганимизда 2-3 нафар талабани учратдик холос.

Кутубхона ходимларининг таъкидлашича, китоб сўраб келувчилар асосан замонавий адабиётларни, жумладан, “Шайтанат”, “Мурдалар гапирмайди”, “Дайди қизнинг дафтари” каби детектив-фантастик асарларни ўқишади. Мумтоз адабиётимизнинг йирик намоёндалари, — А.Навоий, Бобур, Машраб, Бедил, Жомий каби даҳо шоирларнинг ижодлари эса деярли қизиқиш йўқ. Бундай асарлар зарурат туғилгандагина, яъни алломаларимиз таваллудига бағишланган тадбирларда, ижодий кечаларда ўқилади. Ҳатто замонавий наср, назм, драма билан ҳам қизиқувчи талабалар учрамайди.

Кўриниб турибдики, бугунги кунда талабаларнинг китобхонлик даражасини юқори деб бўлмайди. Бу ҳолат биргина ТДТУдагина эмас, балки республикамизда таълим олаётган кўпчилик ёшлар орасида кузатилади. Хўш, бунинг сабаблари нимада экан? Бу саволга жавоб тариқасида, аввало айбни талабаларнинг ўзларидан қидириш керак. Чунки китобхон савияси пасайиб боргани сайин, унинг саёз тафаккури буюк инсоний қадр-қимматни, гоёвий-эстетик муаммони ўзида мужассамлаштирган, чуқур фалсафий моҳияти инсон муаммоси билан боғлиқ бўлган бетакрор асарлар-

ни ўқишга тўсқинлик қилади. Натижада китобхонни енгилелпи мазмунда ёзилган асарлар ўзига жалб қилади.

Энди чуқур мушоҳада юритиб кўринг. Агар одамзот қалам сеҳрининг мафтункор садоларига қулоқ тутиб, уни қалбига жо қила олмаса ёки бундан кўр-кўрона кўз юмса, юксак ақл-идрок, истеъдод маҳсули бўлмиш китобнинг қанчалик қадр-қиммати қолар экан? Замонлар оша шоиру ёзувчиларимиз фақат ўзлари учунгина асар ёздиларми?

Баъзан талабалар орасида китоб ҳақида гап кетар экан, уларнинг айримлари “Бизга ўқиш учун илмий китобларнинг ўзи етарли, бадий китобларни ўқишга вақт йўқ!” деб нолишади. Ҳа, илмий адабиёт-

лар бирор соҳанинг бўлажак мутахассиси учун ниҳоятда муҳим. Бироқ фақат илмий адабиётларни ўқиш билан чекланилса, чин маънодаги инсоний ҳислатларни шакллантириб бўлмайди. Бунинг учун, албатта, бадий адабиётларни мутолаа қилиб туриш лозим. Вақт эса шунчаки бир баҳона. Ахир, ҳам илмий, ҳам бадий китобларни ўқишга улгураётган талабалар йўқ эмаску. Ачинарлиси шундаки, улар санокли...

Телевидение, радио, компьютер каби бир қатор замонавий техникаларнинг тараққий топиб бориши китобхонлик даражаси пасайишининг яна бир омилдир. Чунки талаба бўш вақтини китоб ўқиш билан эмас, аксинча, ҳар хил қизиқарли кўрсатувлар, томошаларни кўриш, турли эшиттиришларни тинглаш билан ўтказмоқда. Китоб эса кўпчиликнинг наздида зерикарли манбага айланиб қолаяпти. Тўғри, бу воситаларнинг барчаси киши вақтининг қизиқарли, мароқли ва мазмунли ўтишини таъминлайди. Аммо улар китоб каби олам-олам қувонч, завқ бера олмаслиги аён. Шундай экан, китобдан узоқлашиш бу — катта фожеа. Бундан қутулишнинг ягона йўли китобни дўст билиш, ардоқлаш ва тарғибташвиқ қилишдир.

Фаррух БЎТАЕВ,
“Маърифат” мухбири

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Яқинда пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги “Ракат” маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси ва “Биозэкосан” Республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси ташаббуси билан “2002 — Қарияларни қадрлаш йили” муносабати билан “Экология ва соғлом турмуш тарзи” мавзусида анжуман ўтказилди. Анжуманга маҳалла аъзолари билан бирга туман “Экосан” жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси, Халқ таълими бўлими ва 114-мактаб ўқувчилари таклиф этилдилар.

Анжуманда “Биозэкосан” мажмуаси вакиллари кимё фанлари доктори, профессор К.Розиқовнинг “Атроф муҳит муҳофазаси оиладан бошланади” ва тиббиёт фанлари доктори, профессор Д.Тешабоевнинг “Шарқ табobati ва инсон саломатлиги” мавзусидаги маърузалари тингланди. Айниқса, биология фанлари номзоди Жаҳонгир Сиддиқовнинг “Ёшлар ўртасида гиёҳвандликнинг тарқалишининг олдини олиш” мавзусидаги маърузасини енгиланлар ўзгача руҳда қабул қилдилар.

Мадаминбек БОЙМАТОВ
“Маърифат” мухбири

**Итоат эт, агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил, майли тамом ўлсам!**

Усмон Носир

Бундан қарийб етмиш йиллар илгари XX асрнинг 30-йилларида йигирма ёшлар атрофидаги, дунёқараши энди шаклланиб келаётган ёш шоир Усмон Носир ёниқ истеъдоди билан шеърят муҳлисларини ўз сўзига мафтун қилган эди.

Кейинги ўн йил мобайнида миллий қадриятларимизни тиклаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, шўролар даврида қатағонга учраган бир қанча адабларимизнинг ижодий фаолиятлари илмий ўрганилди, мактаб ва олий ўқув юртлари дастурларига киритилди, китоблари чоп этилди. Шу маънода биз кўйида миллий қадриятларимизнинг қадру қиммати, даврлар ўтиши билан эскирмай, аксинча улкан тарбиявий аҳамият касб этиб келаётгани ҳақида мулоҳаза юритмоқчимиз.

Шоир Усмон Носир ва унинг шеърляти, адабиётимиз тарихида тутган ўрни ҳақида ҳозиргача ҳар хил фикрлар айтилган, ёзилган, бу жараён давом этаётди. Яқинда Ўзбек Миллий академик драма театри саҳнасида шоира ва драматург Нодира Рашидованинг "Усмон Носир" номли пьесаси саҳнага қўйилди. Бу асарнинг аҳамияти шундаки, касби, билими, савияси турлича бўлган томошабинлар шеърляти, адабиётимиз, миллий маънавиятимиз тарихида буюк сиймо даражасига қўтарилган Усмон Носирнинг ҳаёти, фаолияти билан яқиндан танишадилар. Шоир асарларини ўқимаган, билмаган кишилар ҳам ундан хабардор бўладилар, ўзбек адабиётининг XX аср бошларида босиб ўтган зиддиятларга тўла йўллари, шу кунларга етиб келгунча унда кечган жараёнлар ҳақида маълумот олишади. Шунинг ўзи ёшларни миллий маънавиятимиз заминидан тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Мазкур саҳна асарини ёзишга Нодира Рашидованинг маънавий ҳуқуқи ҳам борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, муаллиф Усмон Носир ҳаёти, ижоди, фожеали тақдирини ўрганиш, унинг адабиётимиз тарихида тутган ўрнини холис изоҳлаш ва баҳолашга умрининг кўп йилларини бағишлаб келаётганидан адабий жамоатчилик яхши хабардор. Шу ўринда бу гапларни айтиш керакми, деган савол туғилиши мумкин. Биз: "Ҳа, албатта, айтиш керак!", деб жавоб берган бўлардик. Негаки, талаба ёшларимиз миллий қадриятларимизни тиклаш нақадар мураккаб шароитларда кечгани ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлишлари керак. Бугуннинг қадрига, Истиқлолимиз бизга нималар бергани ва бераётгани моҳиятига чуқурроқ тушуниш учун ҳам бу зарур.

Истиқлолимизгача ва ундан кейинги дастлабки йилларда ҳам миллий маънавий меросимизга қарши курашиб келган кимсалар бор эди. Улар ҳамиша вазиятларга қараб ўзгариб, мослашиб яшашга ўрганиб қолганлар. Бундайлар ўзларининг эски қарашларидан бир кунда воз кечиб, истиқлолчи бўлиб қолармидилар? Дунёқарашни ўзгартириш осон кечмайди. Айни шундай кезларда тил билан дил бошқа-бошқа бўлиб чиқишини кекса авлод вакиллари кўрганлар, кузатганлар. Ёшларга бундай нозик нуқталарни илмий-назарий асосда, далиллар билан изоҳлаб тушунириш—жаҳолатга қарши маърифат билан курашнинг ўзагини

ташқил этади.

Хўш, Усмон Носир шеърляти, фаолияти, у ҳақида саҳна асари ҳақида мулоҳаза юритиш учун бундай изоҳларга не ҳожат, дейишингиз мумкин. Гап шундаки, ўн йилдан буён миллий қадриятларимизни холис илмий ўрганиб, ахборот воситаларида ёритишда кўплаб янгидан-янги фикрлар баён қилинаётди. Баъзида бу борада жиддий баҳсли мулоҳазаларга ҳам дуч келамиз. Бир-икки мисол келтириб ўтайлик: жадидчилик ҳақида кўплаб чиқишлар бўлди, бу яхши. Баъзан XX асрнинг 20-30-йилларидаги етакчи маърифатпарварларимиз фаолиятлари баҳо беришда чекинишлар кўзга ташланади. Бировлар жадидлар шўрога бутунлай душман эди, деса, бошқа бировлар "фалончи ярим жадид, пистончи бутун жадид" деган гапни айтади. Яна биров Кумушнинг қотили—Отабек деса, бошқаси Усмон Носир шўроларга қарши бош кўтарган исёнчи дейди.

Энди ўйлаб кўрайлик: ўзбек адабиётининг XX аср тарихини эндигина ўқиб-ўрганиб келаётган ёшлар бу фикрларнинг қай-

ҳисобга олмай иложимиз йўқ.

Бугунги ёшлар насл-насабимизни ва ўзлари қанчалик мўътабар зотларнинг авлодлари эканликларини билишлари, ўз ўтмишларидаги энг илғор, энг нурли, энг тараққийпарвар нуқталарга муносиб бўлиб ўсишлари зарурлигини тўла англаб етишлари керак. Ахир, турли эгри йўللарга эргашиб қалғишлар ўзлиги, ўз буюк тарихи, миллий ва илғор умуминсоний анъаналардан беҳабарлик оқибатида содир бўлмайдими?!

Адабиётимиз, тарихимиз ва бошқа ижтимоий фанларни ўқитишда, миллий қадриятларимиз, маънавий меросимиз ҳақида гапирганда айни шу нуқтага эътиборни жалб эта билиш ёшларимиз дунёқарашини тўғри шакллантиришга, бугуннинг қадрига етиш ҳиссиётларини улар қалбига чуқурроқ сингдиришга, уларни Истиқлолимиз ато этган барча моддий ва маънавий неъматларни кўз қорачигидек асрашга ўргатади. Зеро, ўтмишни ўрганиб бугунги тараққиётни таъмин этиш, истиқболни равшан кўришга эришиш учун кураш каттаю кичик барчамизнинг чинакам ватанпарварлик бурчимиздир. Усмон Носир ва унинг ҳамфикр замондошлари шундай олий мақсадлар учун курашда шўролар қатлига учраб ҳалок бўлганлар ва бизга бой маънавий мерос қолдирган эканлар, биз уларнинг ҳар бир асари, ҳар бир ибратли иши, ҳаёту фаолиятлари-

олияти ҳақида фикр-мулоҳаза юритилади. Бироқ энг муҳими, зиддиятларнинг тури, йўналиши, моҳиятини тўғри ва чуқур идрок эта билиш, уни холис талқин қилиш, уларга ёндашувда ижодкорнинг ўрни, мақсади, дунёқарашининг намоён бўлишидадир. Усмон Носирнинг "Юрак", "Лирика", "Нил ва Рим" каби шеърлари, "Нахшон" сингари дostonларида шундай ҳаётий мураккабликларнинг гўзал тасвирларини кўрамызми, уларни бир ўқиган муҳлис қайта-қайта ўқишга ошиқади, ёдлаб олади, таъсиридан завққа тўлиб юради. Негаки, Усмон Носир кўплаб илғор, ҳамфикр замондошлари — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат қатори жаҳон адабиёти дурдоналаридан чуқур хабардор зиёли сифатида миллий руҳиятимизни умуминсоний маънавий қадриятлар билан уйғунлаштириб ифода этишнинг ғоят моҳир ижодкорларидан бири даражасига кўтарилган эди. Унинг Пушкин, Лермонтов, Байрон, Гейнедан қилган таржималарини "Демон", "Боқчасарой фонтани" ва бошқалар, ўқиганингизда мазкур асарлар худди ўзбек тилида ёзилган шеърлардай туюларди. Агар Усмон Носир ижодида таржимонлик фаолиятини ўрганиш нуқтаи назаридан махсус ёндошилса, жуда аҳамиятли бир илмий-назарий тадқиқот яратилган бўларди. Унинг рус ва жаҳон адабиётининг бошқа вакиллари ижодини чуқур билганлиги

лан қаради. Бу ўринда, биргина Жон Риднинг "Дунёни титратган ўн кун" асарини эслаш kifойадир. Турли мамлакатларнинг зиёлилари 20-30-йиллардаёқ собиқ СССРда коммунистлар ваъда қилган "жаннат"га ҳавас қилиб, ўз юртларида ҳам шундай ўзгаришни кўришга ошиқдилар.


XX аср ўзбек адабиётида шундай мураккаб нуқталар борки, баъзан ҳар қандай зиёлини ҳам ўйлатиб қўяди. Аммо адабиёт дарсларида улар ҳақида, албатта, маълумот бериб ўтиш лозимки, ёшларимиз ўз аждодлари босиб ўтган мураккаб, зиддиятли жараёнлар ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлсинлар.

Адабиётимизга Усмон Носирдан анча илгари кириб келган адабларимиз Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий сингари сиймолар ҳам дастлаб шўронинг куруқ ваъдаларига бир қадар ишониб, умид билан қараганлар. Буларни биз уларнинг асарларида кўрамыз. Аммо кўп ўтмай берилган ваъдаларга вафо қилинмаётганини улар ҳаммадан олдин пайқаганлар. Шу билан бирга, шўролар ваъда қилган "сўз эркинлиги", "матбуот эркинлиги" ҳақидаги сафсаталардан ишониб, ўз танқидий мулоҳазаларини ифодалаб, асарлар ёза бошлаганлар. Шундан кейин нима бўлди? 37-йили сидирғасига қатағонга зўр берилди.

Бу офат халқимиз бошига қандай фожеалар солгани маълум. Ҳар қайси миллатнинг гулларини Хазон қилиш — шўронинг сиёсати, фаолият тарзига айланиб қолди. Бу қирғинда катта ёшдаги деярли барча буюк ёзувчиларимиз қатори Усмон Носир, Боту сингари ёш, эндигина ўсиб-униб келаётган нодир истеъодларимиз ҳам ҳалок бўлди.

Буюк аждодларимиз маънавий меросининг бугунги бебаҳо аҳамияти ёшларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялашдаги ўрни ана шундаки, аввало, ўз ватани, миллатига содиқ бўлиш билан бирга, бирор миллатни иккинчи бир миллатдан устун қўйишдек иллатлардан холи эдилар. Уларнинг ҳар бир миллатнинг буюк вакиллари алоҳида эъзозлаб тилга олган, улуглаб ёзган асарлари, мақолалари бор. Абдулла Қодирийнинг Лев Толстой, Гоголь, Чехов, Сервантес, бир қатор араб, турк, хинд ёзувчилари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, Чўлпоннинг Горький, Шекспир, Вахтангов ва бошқалар ҳақидаги мақолалари, Усмон Носирнинг Пушкин, Лермонтов, Гейне ва бошқа жаҳон адабиёти атоқли намоёндалари ҳақидаги фикрлари ҳеч қачон эскирмайди. Айни кунларда — Республикаимиздаги 100дан ортиқ миллатлар маданияти марказлари ташкил этилганига 10 йил тўлиши нишонланаётган кезларда буюк аждодларимиз асарларида акс этган дўстлик, ўзаро ҳурмат ғояларини тарғиб этиш, миллий қадриятларимизнинг яна бир янги қиррасини изоҳлаш ғоят катта тарбиявий аҳамиятга молик ишдир. Зеро, динни рўқач қилиб, аслида диннинг чинакам моҳиятига зид равишда бир миллатни иккинчисига қарши қўйиб, террорчилик йўлини тутган қабихият ниятли кимсаларнинг қилмишларини эндиликда бутун дунёдаги софдил инсонлар қоралаётгани ҳам умуминсоний қадриятлар миллий маънавият билан уйғунлигини тасдиқлайди. Биз "Усмон Носир" драматизациясида шоирнинг ана шу уйғунликка оид хизмати, фаолияти борасида ҳам маълумотларга эга бўламиз. Ҳозирда кўплаб олий ва ўрта ўқув юртлари ходимлари ёшлар, талабаларнинг бу спектаклга жамоа бўлиб боришларини ташкил этмоқдаларки, бу чиндан ибрат олса арзийдиган ҳодисадир.

Аҳмад АЛИЕВ



Усмон Носир шеърлятида миллий ва умуминсоний қадриятлар талқини

си бирига ишониши керак? Айниқса, ўрта мактаб ўқитувчиларининг ҳар бири ҳам архив ҳужжатларини излаб топиб, юқоридаги каби саволлар ёки баҳсларни тўла илмий-назарий асосда теран изоҳлаб бера олармиканлар? Албатта, бу осон иш эмас. Фикримизча, ўтган буюк аждодларимиз маънавий меросини ўрганиб, айниқса, уларнинг ижодий фаолиятларига баҳо беришда, аввало ўзлари ёзиб қолдирган аҳамият берадиганларга суяниш лозим. Ахир, илмда, айниқса, адабиёт тарихи илмида ижодкорнинг асарлари у ҳақида гапирганда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоғи лозимми ёки дуч келган кимсанинг оғзига келганини айтганими? Шу маънода, бирор-бир ижодкор ҳақида кимнинг нима дейишида, ўша хотира ёзган кишининг маънавий ҳуқуқи, борми-йўқми деган қарашларга аҳамият бермаслик мумкинми? Биз бунга йўқ, деб жавоб берган бўлардик. Модомики, Усмон Носир асарларининг ғоявий мундарижаси ҳақида гап бораркан, мақоламиз бошида келтирилган тўрт мисра шоир дунёқарашини ҳам, унинг Шахс сифатидаги буюк маънавий-маърифий қиёфасини ҳам белгиллашни таъкидлаш ўринлидир. Бу деган сўз, аждодларимиз меросига, аввало, ҳурмат билан, масъулиятни ҳис этган ҳолда ёндашиш лозимлигини билдиради. Айниқса, бу борада муҳим ва мураккаб мавзуларга эндигина ёндашиб келаётган ёшлар тарбияси қанчалик нозик аҳамиятга моликлигини

да акс этган ёрқин нуқталарни таллаб, бугунги ҳаётимизга таъбиқ этишимиз зарур. Кейинги 10 йил мобайнида ўтмишдаги буюк аждодларимиз қадамжоларини обод қилишдан тортиб муттасил таъмирланиб, тикланиб борилаётган зиёратгоҳларга бир назар ташлайлик! Ўтганларга эҳтиром бизга Соҳибқирон Темур бобомиздан келаётган маънавий анъаналардан бири, десак тўғри бўлади. Хўш, бундай изоҳнинг мазкур мақола мавзусига нима дахли бор, деб ўйларсиз. Кекса авлод гувоҳлигида ўтган буюк ёзувчиларнинг айримлари мазкур очикдан-очик ноҳақ фитна қилиб, шахсий манфаатлари кўрганлар ўз қилмишларига заррача тавба қилмасдан, эндиликда хотиралар ёзиб ёки айтиб юрганларига нима дейсиз? Демокчимизки, хотира ёзиш, бирор-бир ижодкор шаънини гап айтиш учун ҳам маънавий ҳуқуқ талаб қилинади. Буни ўйламасликка ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Адабиётимиз тарихига оид дарслик ва қўлланмаларда, ўқув юртларида берилаётган дарс жараёнида ўтмишмиздаги бундай зиддиятлар ҳақида ҳам меъёри билан тасаввур бериб берилса, бу билан ёшларимизнинг келажақда дунёқараши тўғри шаклланишига кўмаклашган бўламиз.

Ҳаёт зиддиятларсиз бўлмас экан, адабиёт ҳам зиддиятлардан холи бўлолмайди. Чунки адабиётнинг туб манбаи—ҳаёт, ҳаётнинг олий маҳсули-инсон. Бадий асарда эса, у қайси жанрда бўлмасин, инсон руҳи, фа-

ҳақидаги маълумотлар ҳам Нодира Рашидованинг "Усмон Носир" номли саҳна асарида жонли ифодасини топган.

Бадий асар ҳаётнинг турлича шакл ва жанрдаги ифодаси экан, унинг туб моҳиятига етиб бориш худди ҳаётий воқеа-ҳодисалар моҳияти каби мураккаблигини ҳар биримиз ҳам чуқур идрок этамызми? Ахир, кўз ўнгимизда рўй берган баъзи воқеа-ҳодисалар, орадан муайян муддат ўтгач, бизга дастлаб кўринганидан бошқачароқ бўлиб туюлмайдими? Демак, инсон кўнгли, қалби ҳам шу қадар мураккаб эканки, унинг асли тагига етиш ҳеч қачон осон бўлган эмас. Адабиёт ва бадий асар, ёзувчи қалбининг қувонч ва изтироблари ҳам шундайлигини англаб етиш, ундан кейин фикр айтиш, айтганда ҳам бу қадар мураккаб мавзу устидан шошилиб ҳукм чиқармасдан, теран ўйлаб, тўғри фикр айтиш керак. Демокчимизки, шўро замонидан илгари халқимиз чор-Россияси босқинчилиги остида эзилган, унча эса, хонликлар давридаги биқиклиқдан, айниқса, зиёлиларимиз фарёд чекар эди. Шўро мафкуриси усти ялтироқ шиорлар билан қўйнимизни пуч ёнғоққа тўлдирди, халқнинг тили учидан турган-кўп йиллардан буён қалбида қайнаб-тошаётган армон—мустақиллик, эркинликлар тўғрисида шу қадар кўпириб ваъдалар берганки, уларга фақат ўзбек ёзувчилари эмас, жаҳондаги кўплаб тараққий этган мамлакатларнинг зиёлилари ҳам алданди, умид би-

ТЎКИСЛИК ТАБИАТИ

Ўзбек халқи онгини янги ижтимоий-эстетик босқичга кўтарган улкан шахслардан бири, ҳали охиригача англанимаган феномен шоир Абдулла Орипов ижоди хусусида кўп ёзилган бўлса-да, унинг жозибаси, сеҳри билан боғлиқ жиҳатлар тилсимлигича турибди. Ишонаманки, бу ишни катта шеършунослар иштиёқ билан амалга оширишади. Менинг камтарона ҳаракатим шоир шеърларига ҳурматим ифодаси, холос. Таҳлил манбаи қилиб "Ўзбекистон" шеърдан қуйидаги тўрт мисрани танладим.

... Қотил қўли қилич солди маст,
Қуёш бўлиб учди тилла бош.
Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,
У Улугбек кўзидаги ёш...

Юқоридаги тўрт мисрани тўхтаб-тўхтаб тўрт марта ўқиймиз. Кейин биринчи мисрага эътибор берамиз.

"Қотил", "қўли", "қилич" сўзларидаги "қ" товуши, "солди" — "мас(т)" сўзларидаги "с" товуши ўзаро уйғунлик касб этади. Иккинчи мисрадаги биринчи сўз — "қуёш" ва охириги сўз — "бош" эса қофиядош, "қўли" — "бўли(б)" ва "қил(ич)" — "(уч)ди" сўзларида оҳангдошлик бор. Бундай яқинлик "қо(тил)" — "(тил)ла", "сол(ди)" — "уч(ди)", "(юл)дузлар" — "(Ул)угбек" сўзларида ҳам кузатилади. Айни пайтда биринчи ва иккинчи мисра бир хил, яъни "қ" товуши билан бошланмоқда ("қотил" — "қуёш"). Биринчи мисранинг охириги сўзи — "маст" ва учинчи мисранинг биринчи сўзи — "(дўст)лар" уйғунлиги мустақамлашади. "(Қу)қда" — "(Қу)зидаги", "Юл(д)узлар" — "к(ўз)идаги", "у" — "(У)лугбек(к)", "(Дўс)тлар" — "э(мас)" — сўзларидаги яқинлик эса бу мустақамлиқни мукаммаллаштиради.

Яна биринчи мисрага қайтайлик. Ундаги сўзларда иккитадан "о" ва "т", тўртта "л", бешта "и" товушининг қаторлашиб


келиши кишини янада ҳайратлантиради. Муҳими, ҳаммаси табиий. Шеър илми қонунларининг ортиқча "юк"и таъсирида баъзан юзага келадиган чучмаллик бу уринда ҳеч сезилмайди. Ҳатто хаёлга келмайди.

Тугри, кўз ёшини кўп шоирлар юлдузга ўхшатишган, лекин юлдузларга эмас. Бунинг устига бошқани эмас, фақат Улугбек кўз ёшини юлдузларга қиёсламоқ эса том маънодаги мантиққа эгадир. Юлдузлар — Улугбекнинг ҳаёти. Юлдузлар — Улугбекнинг гоҳ имсизлик жаҳолатидан, гоҳ маърифат равнақидан тўккан, тўкаётган ва тўкадиган кўз ёшлари. Юлдузлар чексиз. Улугбек кўз ёшлари ҳам тугамас. Қарангки, бош — тилла, тилла бош — қуёш. Қуёш учади. Демакки, шеър ҳам, шоир ҳам. Сизу биз ҳам учамиз. Шакил ва мазмун, илм ва санъат, илҳом ва Илоҳ жипслиги — тақозоси шу-да. Шоир "жаллод" сўзи ўрнида "қотил", "олтин" сўзи ўрнида "тилла", "ханжар урди" бирикмаси ўрнида "қилич солди" бирикмасини қўлайди. Албатта, "бош — ёш", "мас(т)" — "эмас" қофияларининг ўта содда ва самимийлиги ҳам шунинг натижасидир.

Қурдики, тўрт мисрадаги бирор сўз, бирор товушга тўғрилаш мақсадида тегиб бўлмайди. Ўзи ҳақиқий шеър шунақа мукаммал тугилади-да!

Муҳаммад МАМАТВАЛИЕВ,
Чортоқ туманидаги 22-мактаб ўқитувчиси

«Ma'rifat»ga maktublar



Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилгач, Европа тилларидан кирган сўзларнинг осийча муқобилини муомалага киритишга эътибор қаратилган. Бу танланишда кўп сўзлар халқ тилида ўз ўрнини топа олмайди (жумҳурият, жарида, қўналга, тайёра каби). Тилга яхлит тизим сифатида қараш керак. Агар битта сўз ўзгартириладиган бўлса уша сўз билан боғлиқ барча сўзлар ўзгартирилиши лозим.

Мисол учун "тайёра" сўзининг тилимизда муқим жой олмагани ҳам шу билан боғлиқдир. Самолётга нисбатан "тайёра" олинди, аэропортга нисбатан "тайёрагоҳ", бироқ "аэро" унсори билан ҳосил қилинган бир қатор сўзлар бундан мустасно. Масалан, аэро-

СЎЗ ҚЎЛЛАШ САНЪАТИ

ромни тайёрадром, аэродинамикани нима деймиз, тайёра динамиками?.. Шу каби мулоҳазалар туфайли бу атамутахассислари томонидан жиддий қаршиликка учради. Шу боис тилда сунъийликка кўп берилмаслик керак. Тилшунослиқда тилнинг бойлиги ўз ва ўзлашган сўзлар таснифига асосланади. Аммо бу хоҳлаган хорижий сўзни янги сўз деб қабул қилиш дегани эмас. Бу жараён ўз ўрнида сиёсий, иқтисодий, спорт ва фантехника соҳаларида ўзаро алоқалар ҳамда ишлаб чиқариш маҳсулотларининг мамлакатга кириб келишида кузатилади (брифинг, волонтер, технология, саммит, промоутер). Баъзида интернационал сўзларни ҳам ўзбекчалаштироқчи бўламиз: "Фалон жойда "қўл жанги" бўйича мусобақа бўлиб ўтади..." Ваҳоланки, қўл жанги ёки шунга ўхшаш қўл тўпи каби ўйинларни ҳамма бир хил тасаввур қилавермайди. Ана шундай ҳолларда четдан кирган сўзларни ўз ўрнида ишлатиш мумкин. Бундай сўзлар бевосита халқни ҳам танитишга дахлдор эканлигини эсдан чиқармаслигимиз керак (гольф - шотландча, дзюдо - японча, бадминтон - инглизча, кураш - ўзбекча).

Демоқчи бўлганим, ўсиб келаётган ёш авлодга миллий тил ҳақида янада кенгроқ билим беришимиз, унинг имконияти, маъно нозикликлари, нутқда сўз қўллаш санъати ҳақида кўпроқ тушунча беришимиз зарур. Бу масъулиятли вазифа ҳар қанча машаққатли бўлса-да, ўрта мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежларида ишлаётган ўқитувчилардан талаб этилади. Зеро, бу масала Миллий дастурда белгилаб қўйилганидек: "Миллий ўзликни англашнинг ўсиб бориши ватанпарварлик, ўз Ватани учун ифтихор туйғусининг шаклланаётганлиги, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш"нинг бош мезони ҳисобланади. Замон талаби деб билган хорижий тилларни ўрганишдан аввал ўз тилимизни қойил қилиб ўзлаштиришимиз, нафақат тил, миллий адабиётимизни ҳам яхшигина билмоғимиз керак.

Бозор ХЎЖАМҚУЛОВ,
Қарши МИИ қошидаги
"Нуристон"
академик лицейи
ўзбек тили ва
адабиёти
фани ўқитувчиси

Маълумки, мактабларда ўтган йилдан бери "Миллий истиклол ғояси ва маънавият асослари" фани ўқитилмоқда. Бу фанни ҳафтада 1 соат ўтамыз. Ушбу фанга ўқувчиларни янада қизиқтириш мақсадида мактабимизда ҳафтанинг ҳар сешанбасини "Маънавият куни" деб эълон қилганмиз. Бу тадбирда мактабимизнинг 8, 9, 10-синф ўқувчилари қатнашадилар. Синфлар галма-галдан, яъни бир сешанба 8-"А" синф ўқувчилари қатнашса, кейин 8-"В", 8-"Д", 8-"Е". Шу тартибда 9, 10-синф ўқувчилари ҳам ушбу тадбирда иштирок этадилар. Хуллас, ҳар сешанба битта синф ўқувчилари "Миллий истик-

БУ ФАНГА ЖУДА ҚИЗИҚИБ ҚОЛДИМ

лол ғояси ва маънавият асослари" фанидан ўтган мавзуларнинг бирини танлаб, шу мавзуга мос шеърлар, кўшиқлар, сахна кўринишлари тайёрлаб, сафланишда намойиш этадилар.

Ушбу тадбирлар мактабимиз директори Орифжон ҳожи Охунов раҳбарлигида ўтказилмоқда. Директоримиз ва директор муовини Муталлибжон Темировлар ўқувчиларга танлаган мавзусига оид манбалар, китоблар топишда ёрдамлашадилар. Ҳатто сахна кўринишларини ҳам топиб берадилар, керак бўлса ўзлари ёзадилар.

Барча ўқувчилар қатори мен ҳам ушбу фанга жудаям қизиқиб қолдим. Чунки бу фан орқали Ватанга, тилимизга бўлган муҳаббат янада ошади, буюк аجدодларимизнинг улуг ишларини ўргандик ва ўрганмоқдамиз.

Манзура АБДУЖАББОРОВА,
Избоскан туманидаги 15-мактаб ўқувчиси

МАКТАБ МУЗЕЙИ БОЙИБ БОРМОҚДА

Ўтган йигирманчи юз йилликнинг энг машҳур, оламшумул, жамики одамзотни лол қолдирган воқеаларини ҳар ким ҳар хил тартибда тузиши мумкин. Бироқ, бу рўйхатларнинг ҳаммасига, айни асрда иккита жаҳон урушининг бўлиб ўтгани, ядро қуроли кашф этилиб, инсоннинг ўзига қарши ишлатилгани, одамнинг коинотга парвоз қилгани, "Титаник" ва Чернобиль ҳалокати юз бергани, СПИД касаллигининг пайдо бўлгани сингари ҳодисалар, албатта, киритилади. Барча рўйхатларнинг бошида бу асрнинг энг асосий ҳодисаси сифатида бир мудҳиш воқеа битилади. Бу — асримизнинг тонготарида дунёга келиб, унинг сунггида ўз ўзини мавҳ этган қизил мустамлака сиёсати ўлатининг инсоният бошига солган ҳисобсиз кулфатларидир.

Шукрки, истиқлолга эришиб, ўзлгимизни таний бошладик. Ва билдикки, Ватанимиз ниҳоятда буюк тарихга эга, келажаги порлоқ мамлакат экан.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ Юртбошимиз Ислон Каримов: "Буюк давлат буюк келажакимизга эришиш учун оқил, маърифатли ва айни пайтда ўзи-

нинг ўтмиши, улуг қадриятлари, миллати билан фахрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак", деб ўқтирган эди. Шу мақсадда мактабимизда "Темурийлар тарихи" музейини очганмиз. Мазкур музей олти қисмдан иборат бўлиб, унда Амир Темури ҳақида мақолалар, машҳур мутафаккир олимларнинг соҳибқирон хусусидаги фикрлари, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориевнинг Англияда сақланаётган XIV аср расмлари асосида яратилган Амир Темури расми ва бошқа кўплаб қизиқарли экспонатлар мавжуд. Ўз даврида Темурийлар авлодига мансуб 192 нафар шоҳ, шаҳзодалар ва амирзодалар яшаган, хонлик қилганлар. Улардан соҳибқирон уғиллари Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Шоҳруҳ Мирзо, қизлари Оғабегим хоним ва Султонбахтбегимларнинг суратлари аниқ манбаларга асосланиб чизиб берилган. Музейдаги жиҳозлар шу билан чегараланиб қолмаган. Уни йилдан-йилга бойитиб боришни мақсад қилганмиз.

Қосим ЁҚУБОВ,
Бекобод туманидаги
11-мактаб
ўқитувчиси

2001 йил, 7 декабрь. Ўзбекистон Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президент Ислон Каримов 2002 йилни Қарияларни кадрлаш йили деб эълон қилдилар. Ойнаи жаҳондан "Ахборот" дастурини кўра туриб бу хушхабарни эшитгач, оиламизнинг барча аъзолари қарсак чалиб юбордик... ва негадир ҳаммамиз "ялт" этиб, 79 ёшли бобомизга қарадик. У кишининг қўллари ўз-ўзидан дуога кўтарилди... Ҳа, бу йил қариялар учун унутилмас йил бўлади. Қарияларга Президентимиз кўрсатган бундай катта эътиборни биз ёшлар қўллаб-қувватлашимиз керак. Чунки бу ибрат ўзимизнинг ғамхўрларимизга ғамхўрлик қилишимиз кераклигини, улар-

БОБОМНИНГ ҚЎЛЛАРИ ДУОГА КЎТАРИЛДИ

нинг бизлар учун қилган, қилаётган ва қилаверадиган яхшиликларини унутмаслигимиз кераклигини яна бир бор эслатди.

Юртимизда қариялар учун катта ишлар қилиб келинмоқда. Улар билан дилкаш суҳбатлар, учрашувлар ўтказилиб, уларни моддий таъминлаш учун кўп ишлар қилинапти. Юртимизнинг барча вилоятлар, қишлоқларида, маҳаллаларида йиғинлар ўтказилиб, уларга мукофот ва қимматбаҳо совғалар улашилмоқда. Эсдалик учун фахрий ёрлиқлар топширилмоқда. Қариялар эса бундай ҳурмат, бундай иззат учун Юртбошимизни дуолар қилишмоқда. Ўзларига кўрсатилаётган бундай ғамхўрликлардан бошлари осмонда. Биз ёшлар ҳам ўз навбатида қарияларга ғамхўрлик қилишимиз керак. Кўчадами, йўлдами, транспортдами уларга меҳримизни илгаригидан зиёда қилайлик.

Марҳабо МУҲАММАДИЙ,
ўқувчи
Тошкент шаҳри

КЎЗГУДА НАВОИЙ ВИЛОЯТИ

Навоий вилояти таълим-тарбия соҳасида ўзига хос ҳудуд ҳисобланади. Вилоят ҳар йили педагогика ва кончилик институтига ва кончилик институтининг Зарафшон филиалига талабалар қабул қилади. Ўқув юртларининг сони камлигига қарамай, тест топширишдаги барча муаммолар Навоий вилоятига хосдир. Бу вилоятдаги тест муаммолари 2001 йил тест якунларига бағишланган йиғилишда атрофлича муҳокама этилди.

Вилоят бўйича 1999 йилда 6245, 2000 йилда 7130 ва 2001 йилда 9058 абитуриент олий ўқув юртига ўқишга кириш учун ҳужжат топширган.

Абитуриентларнинг тест имтиҳонидаги жавоблар самарадорлиги 2000 йилда 32,29% ни ва 2001 йилда 33,18% ни ташкил этган. Бу кўрсаткич республикадаги энг илғор вилоятлар натижасидан 10 % камдир. Вилоят Республика бўйича 2001 йилда 12-ўринни эгаллаган. Вилоятнинг бу соҳадаги кўрсаткичи йилдан-йилга пасайиб бораётганлиги ачинарли ҳолдир.

Вилоят абитуриентлари тест имтиҳонида фақат немис тилидан бошқа вилоятларга нисбатан яхшироқ натижа кўрсатган. Лекин бошқа фанларнинг барчасидан пасайиш содир бўлган. Вилоят бўйича аниқ маълумотлар куйида келтирилган:

(ўзбек гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил		2001 йил	
	Самарадорлик	Ўрин	Самарадорлик	Ўрин
Ўзбек тили ва адабиёти	28,88	6	26,91	8
Математика	34,32	9	32,81	11
Физика	29,06	7	27,72	8
Биология	36,39	5	36,14	6
Кимё	34,86	4	31,07	7
Тарих	33,10	5	31,05	6
География	43,35	4	35,63	13
Инглиз тили	34,89	8	32,90	11
Немис тили	28,03	9	26,83	8
Француз тили	28,87	10	28,37	10

Рус гуруҳларида тест натижалари француз тили ва биологиядан ўзгармай қолган, тарихда бироз ўзгариш кузатишган, бошқа фанлардан эса тест натижаларида пасайиш содир бўлган. Аниқ натижа куйида келтирилган:

(рус гуруҳлари)

Фан номи	2000 йил		2001 йил	
	Самарадорлик	Ўрин	Самарадорлик	Ўрин
Рус тили ва адабиёти	39,98	8	37,19	14
Математика	36,59	10	33,43	14
Физика	29,23	9	27,79	10
Биология	36,78	13	36,18	13
Кимё	32,17	12	29,10	14
Тарих	33,29	11	33,68	10
Инглиз тили	46,46	7	45,84	8
Немис тили	29,83	9	24,70	13
Француз тили	25,56	11	27,02	11

Абитуриентларнинг тестда тўплаган баллари имтиҳонга тайёргарликнинг, таълим сифати ва касб танлаш ишларининг энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Бу соҳада ҳам вилоятда камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланади. Ўқишга кириш учун ҳужжат топширган 4789 абитуриент тест имтиҳонида 0% дан 30% гача натижа кўрсатган. Тест топширишларининг 40% дан 100%гача бўлган қисмини 2218 абитуриент тўри ҳал эта олган.

Навоий вилояти абитуриентлари касб танлашда ўзига хос хусусиятни намояндалаштирган. Бошқа вилоятларда иқтисод, гуманитар соҳаларга қизиқиш кучли бўлса, бу вилоятда геология, иссиқлик энергетикаси каби соҳалар танланган.

Вилоят туманлари ва шаҳарлари бўйича абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиниш натижалари ўрганилди. Зарафшон ва Навоий шаҳарларида бу кўрсаткич энг юқори бўлса, Навбахор, Хатирчи ва Томди туманида паст натижа қайд қилинган. Аниқ маълумот куйидаги жадвалда келтирилган:

(фоиз ҳисобида)

Т/р	Туман номи	Жами абитуриентлар	Ўқишга кирганлар	Жами абитуриентлар нисбатан фоиз
1.	Зарафшон шаҳри	373	122	32,71
2.	Навоий шаҳри	1445	391	27,06
3.	Қизилтепа тумани	1522	324	21,29
4.	Конимех тумани	339	66	19,47
5.	Учкудук тумани	36	7	19,44
6.	Навоий тумани	1009	195	19,33
7.	Нурота тумани	887	162	18,29
8.	Кармана шаҳри	180	32	17,78
9.	Навахор тумани	1226	205	16,72
10.	Хатирчи тумани	1944	321	16,51
11.	Томди тумани	56	9	16,07
	Жами	9017	1834	20,34

Вилоятнинг тестда энг юқори натижага эришган ҳудудлари ўрганилди ва улар Республикадаги юқори кўрсаткичли шаҳар ва туманларга таққосланди. Натижа шуни кўрсатадики, вилоятнинг бирорта шаҳар ёки тумани Республика бўйича илғор ўринга кўтарилмаган. Вилоят бўйича илғор ҳисобланган шаҳар ва туманлар Республиканинг бошқа илғор туман ва шаҳарлардан 5% дан 20% га орада қолганлар. Бундай аҳволни ўнглаш керак.

(ўзбек гуруҳлари)

Вилоят кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан	Туман, шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик	Вилоят номи	Туман, шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Навоий шаҳри	926	28,07	Бухоро вилояти	Тўқимачилик тумани	284	33,26
Математика	Навоий шаҳри	469	35,24	Самарқанд вилояти	Боғишамол тумани	356	50,98
Физика	Нурота тумани	309	28,93	Қашқадарё вилояти	Баҳористон тумани	16	47,57
Биология	Навахор тумани	338	38,71	Бухоро вилояти	Пешку тумани	253	46,97
Химия	Навоий шаҳри	155	34,21	Қашқадарё вилояти	У.Юсупов тумани	81	42,32
Тарих	Зарафшон шаҳри	31	37,63	Андижон вилояти	Шахрихон шаҳри	17	48,53
География	Қизилтепа тумани	55	41,16	Тошкент вилояти	Собир Рахимов тум.	17	57,10
Инглиз тили	Навоий шаҳри	234	42,12	Бухоро вилояти	Когон шаҳри	47	53,13
Немис тили	Навоий шаҳри	81	29,01	Самарқанд вилояти	Боғишамол тумани	50	44,17
Француз тили	Навоий шаҳри	21	39,29	Бухоро вилояти	Ромитон тумани	54	46,60

Вилоятнинг Томди тумани математикадан 25,51% самарадорлик билан Республикадаги энг паст ўринни эгаллаган. Кимёдан Конимех тумани, француз тилидан Навоий тумани ҳам Республикадаги энг паст кўрсаткичли туманга яқин бўлган. Умуман вилоят бўйича паст кўрсаткичга эришган туман ва шаҳарлар диққат билан ўрганилиши ва тегишли чоратадбирлар кўрилиши керак. Аниқ маълумот куйида келтирилади:

DTM tahlili

(ўзбек гуруҳлари)

Вилоят кўрсаткичлари				Республика кўрсаткичлари			
Фан	Туман, шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик	Вилоят номи	Туман, шаҳар номи	Қатнашган	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Томди тумани	38	24,05	Қорақалпоғистон Рес.	Бузатов тумани	22	21,34
Математика	Томди тумани	27	25,51	Навоий вилояти	Томди тумани	27	25,51
Физика	Зарафшон шаҳри	33	21,89	Андижон вилояти	Бўз тумани	56	20,98
Биология	Конимех тумани	60	28,52	Сирдарё вилояти	Сайхунбод тумани	122	27,14
Кимё	Конимех тумани	68	24,31	Сурхондарё вилояти	Шеробод тумани	108	23,77
Тарих	Нурота тумани	246	28,29	Қорақалпоғистон Рес.	Ҳўжайли шаҳри	25	26,11
География	Нурота тумани	40	33,13	Сурхондарё вилояти	Қумқўрғон тумани	31	28,05
Инглиз тили	Навахор тумани	186	28,43	Сурхондарё вилояти	Бандихон тумани	74	22,67
Немис тили	Кармана шаҳри	22	24,12	Фарғона вилояти	Сўх тумани	12	19,21
Француз тили	Навоий тумани	53	22,12	Қашқадарё вилояти	Нишон тумани	14	20,44

Вилоятнинг тест имтиҳонида юқори натижага эришган мактаблари ўрганилди. Кимёдан Қизилтепа туманининг 29 мактаби 59,72 %, биологиядан Хатирчи туманидан 14 мактаб 54,76 %, тарихдан Навоий туманидаги 17 мактаб 54,51% самарадорликни кўрсатган. Вилоят тест имтиҳонидан фанлар бўйича юқори натижага эришган мактаблар ҳақидаги маълумот куйида келтирилган:

(ўзбек гуруҳлари)

Фан	Туман номи	Мактаб рақами	Тестда қатнашганлар сони	Самарадорлик
Она тили ва адабиёти	Навоий тумани	23	8	38,19
Математика	Навоий тумани	14	17	50,65
Физика	Хатирчи тумани	18	9	44,44
Биология	Хатирчи тумани	14	7	54,76
Химия	Қизилтепа тумани	29	4	59,72
Тарих	Навоий тумани	17	8	54,51
География	Навоий шаҳри	15	4	53,47
Инглиз тили	Навахор тумани	21	4	47,92
Инглиз тили	Қизилтепа тумани	37	8	47,92
Немис тили	Хатирчи тумани	44	18	51,54
Француз тили	Навоий шаҳри	8	7	53,57

Вилоятда тест имтиҳони якунларига кўра паст натижа кўрсатган мактаблар ҳам мавжуд. Математикадан Хатирчи туманидаги 38-мактаб ўқувчилари 12,50 %, 15-мактаб ўқувчилари физикадан 13,10%, немис тилидан 14-мактаб ўқувчилари 15,97% фоиз натижа кўрсатишган. Умуман, Хатирчи туманидан 7-мактаб, Навоий туманидаги 7- ва 1-мактаб энг паст натижага эришган.

Вилоятнинг Томди, Учкудук, Нурота, Хатирчи Конимех ва бошқа туманлардан 42 та мактабдан тестда қатнашган 219 ўқувчидан бирортаси ҳам ўқишга кира олмаган. Масалан, Учкудук туманидан 3 мактабдан 7 киши, Нурота туманидаги 10-мактабдан 14 киши, 11-мактабдан 25 киши, 25-мактабдан 14 киши, 41-мактабдан 15 киши, Қизилтепа туманидаги 16 та мактабдан 16 киши, Хатирчи туманидаги 59 мактабдан 13

киши тестда иштирок этган, лекин уларнинг бирортаси ҳам тегишли балларни тўплай олмаган.

Тестда паст натижа кўрсатишнинг асосий сабаби таълим жараёнидаги камчиликлардир. Шунинг билан бирга битирувчи синф ўқувчиларига тест технологияси ўргатилмаганлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Тестда юқори натижага эришган Навоий шаҳри ва туманида, Навбахор туманида таълимий тестлар ўтказишга эътибор берилган. Лекин бошқа жойларда жуда кам ўтказилган ёки умуман ўтказилмаган.

Вилоятнинг аттестати бўйича ўртача баҳолари юқори бўлган абитуриентлар ва уларнинг тест имтиҳонидаги натижалари ўрганилди. Дарслар пухта ўзлаштирилган, аттестатга реал баҳо қўйилган абитуриентлар тестда ҳам юқори кўрсаткичларга эришганлар. Улар марказдаги ва вилоятдаги ўқув юртларига қабул қилиниб ўз мақсадларига етишган. Бундай абитуриентларнинг бир қисми ҳақидаги маълумот куйидаги жадвалда келтирилган:

(ижобий ҳол)

Т.р.	Тестда топширилган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Тошкент Давлат иқтисодиёт университети	Навоий шаҳри	1	5	216,1
2.	Бухоро тиббиёт институти	Қизилтепа тумани	3	4,4	212,8
3.	Бухоро Давлат университети	Қизилтепа тумани	10	4,5	209,9
4.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети	Навоий шаҳри	4	4,9	204,7
5.	Самарқанд кооператив институти	Учкудук тумани	1	4,7	203,8
6.	Тошкент юридик институти	Учкудук тумани	7	4,9	198,1
7.	Қорақалпоқ Давлат университети	Конимех тумани	39	5	195,4
8.	Тошкент электротехника алоқа институти	Хатирчи тумани	25	5	194,1
9.	Навоий Давлат Кончилик институти	Навахор тумани	9	4,6	192,4
10.	Тошкент молия институти	Навахор тумани	49	4,5	191,5
11.	Жиззах Давлат педагогика институти	Конимех тумани	2	5	189,7
12.	Самарқанд тиббиёт институти	Нурота тумани	18	5	189,2
13.	Тошкент Давлат иқтисодиёт университети	Хатирчи тумани	22	5	188,2
14.	Тошкент Давлат техника университети	Навоий тумани	1	4,8	187,8
15.	Тошкент юридик институти	Навоий тумани	9	4,8	186,9

Аттестатдаги ўртача баҳоси юқори бўлса ҳам тестда жуда паст натижага эга бўлган абитуриентлар ўрганилди. Чунки бундай ҳолат қўйилган баҳоларнинг ҳаққоний эмаслигини, ўқувчилар билимини баҳолашда кўзбўямачиликка йўл қўйилганини, абитуриент пухта билимга эга эмаслигини кўрсатади.

(салбий ҳол)

Т.р.	Тестда топширилган ўқув юрти	Туман	Мактаб рақами	Аттестат ўртача баҳоси	Тестда олган бали
1.	Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институти	Навахор тумани	1	4,3	20,1
2.	Навоий Давлат педагогика институти	Нурота тумани	45	5	20,3
3.	Навоий Давлат Кончилик институти	Хатирчи тумани	4	4,5	20,8
4.	Тошкент Давлат техника университети	Нурота тумани	26	4,4	22
5.	Самарқанд қишлоқ ҳўжалик институти	Хатирчи тумани	33	4,1	22,3
6.	Навоий Давлат педагогика институти	Навоий шаҳри	17	4,3	23
7.	Навоий Давлат педагогика институти	Навахор тумани	7	4,1	23,4
8.	Самарқанд Давлат меъморчилик-қурилиш институти	Хатирчи тумани	28	5	24,1
9.	Навоий Давлат Кончилик институти	Нурота тумани	1	4,5	24,4
10.	Навоий Давлат Кончилик институти	Навахор тумани	22	5	25,4
11.	Тошкент Давлат иқтисодиёт университети	Навахор тумани	1	4,1	26,2
12.	Тошкент Давлат иқтисодиёт университети	Навахор тумани	4	4,6	26,3
13.	Навоий Давлат педагогика институти	Навахор тумани	12	4,3	26,5
14.	Навоий Давлат педагогика институти	Конимех тумани	12	4,5	27,3
15.	Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти	Навахор тумани	12	4,6	27,4


Таҳлилдан кўриниб турибдики, вилоят микёсида битирувчи ўқувчиларни тестга тайёрлашда кўпгина муаммолар мавжуд. Таълим жараёнини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириш, янги педагогик технологияларни таълим жараёнига тadbик этиш, ўқувчилар ўртасида касбга йўналтириш ва чуқур билим олишга интилишни шакллантириш, таълимий тестларни ўтказиш, тест технологиясини ўргатиш бўйича кенг қўламли ишларни олиб бориш керак.

М.МУХИТДИНОВ,
ДТМ директори

Edvard Lir — ingliz bolalarining sevimli siymosi. U, kichik o'quvchilar uchun hazil-huzullarga boy tarixlar, qiziq-qiziq voqealarni to'qib chiqarar, qayoqdagi ko'z ko'rib, quloq eshitmagan hayvonlar, g'alati va kulgili o'simliklarni o'ylab topardi. Uning hamma harflarga moslab solgan qiziq-qiziq rasmlarini ko'rib va chiroyli harflarini o'qib, bolalarning savodi chiqib qolardi. U kichikintoylarning chinakam do'sti edi, u bilan uchrashish bolalar uchun bayramga aylanib ketardi.

Edvard Lir bundan 190 yil muqaddam — 1812 yili Angliyaning poytaxti London shahrida tug'ilib, 1888 yili 76 yoshida Italiyaning San-Remo shahrida vafot etdi.

Ham zabardast shoir, ham ajoyib rassom edi.



esa, u xalqdan o'rgangandi.

Inglizlar necha-necha asrlardan buyon bolalarning qo'shiq va she'rlarini, sanoq va aytishuvlarini tanlab, yozib borishardi. Edvard Lir ularning barini bolaligidayoq yodlab olgan edi. Bular keyinchalik, shoir bo'lgan chog'ida o'zining ijobiy ta'sirini ko'rsatmay qolmadi.

Edvard Lirning she'rlarini butun dunyodagi bolalar ham, kattalar ham sevib o'qishadi. Juda ko'p taniqli shoirlar uning she'rlarini yod bilishadi va umr bo'yi Edvard Lirni minnatdorlik bilan yodga olishadi.

Kenguruning dumiga o'tirib olib sayohatga chiqqan dadil o'rdak to'g'risida, Bristol arnasoyida baliq tutib yurgan va oyoq barmoqlari akulaga yem bo'lgan qo'rqmas bola Pobbli haqida

HAM SHOIR, HAM RASSOM

O'z kitoblarni uning o'zi rang-barang rasmlar bilan bezardi. U o'z hayoti davomida juda ko'p kasalliklarga duchor bo'ldi. Shu sababli umrining so'nggi 18 yilini Italiyaning shifobaxsh shaharlarida o'tkazishga majbur bo'lgandi. U o'zi haqidagi

she'rida baliq yog'i ichishni xushlamasligini aytadi, bu shoirning sil kasali bilan xastalanganini bildiradi.

Ammo og'ir-yengil turli kasallik uning bolalar uchun yaxshi kitoblarni yozishiga xalaqit berolmadi. Silliqlik, jarangdor, esda qoladigan she'rlar yozishni

o'qisangiz, shoir o'zi ham ich-ichidan bolalarcha kulayotgani yo achinayotganini his qilib turasiz.

Edvard Lir bo'lmagan voqealar o'ylab chiqarishda juda mohir bo'lgani uchun shu sohaning sovrindori bo'lgan edi.

Bir kun Yong'oqchaqar Qandchaqar ila
Hasratlashib qoldi o'choq boshida.
— Zerikdim bu yerda men tamomila,
Yur, o'ynab kelimiz shahar tashida.

Havosiz, qorong'i burchakda tanho,
Yotibmiz dimiqib, bosib qurum-chang.
Boy yigit-qizlar-chi, qilishib yallo,
Ot minib kezishar, qachon qarasang.

Biz ham dukur-dukur yo'llarning changin,
Ko'tarib ketishga layoqatlimiz.
Bizga kerak emas egar, uzangi,
Shundog'am minishbop oyoqlarimiz.

— Yur, — dedi Qandchaqar, — hamma gaping haq!
Yorug'ga chiqaylik, bu qanday sitam?
Tong qolsin shaharda bizni ko'rib xalq.
— Bo'lmasam-chi! — dedi Yong'oqchaqar ham.

Shundan so'ng javonda tartibni buzib,
Tirgishdan chiqishdi ikkala qochoq.
Eng chopqir ikki ot tizginin uzib,
Taqlirab jo'nashdi bir zum o'tmayoq.

IKKI OTLIQNING SAYRGA CHIQISHI

Cho'chib tushgan mushuk sapchidi yonga,
Ketidan otildi zanjirli ko'ppak.
Biqingan sichqon der boshqa sichqonga:
— Otxonada otlar qilindi g'ippak!

Qoshiqlar javonda boshladi taq-tuq,
Pichoq shig'illadi bo'lib hangu-mang,
To'ng'arilib qoldi qo'rqqandan tuzluq,
Kosalar: — Ushlang! — deb ko'tardi jarang.

«Qanday ketishyapti ikki dovyurak,
Ortidan ko'ray», — deb otildi finjon,
Uzun hushtak chaldi ketidan choynak,
Eshikda to'qnashdi to'vayu qanddon.

Katta yo'lda esa dadil, xotirjam,
Ikki otliq ketar taqira-tuqur.
Yong'oqchaqar borar oq otda ildam,
Qora otda esa Qandchaqar yovqur.

Ortda qoldi maydon, ortda qoldi bog',
Olislab ketishdi ko'tarib to'zon.
Bir qur qichqirishdi g'oyib bo'lar chog':
— Alvido! Qaytmaymiz endi hech qachon!

Sho'x edi ovozi Yong'oqchaqarning,
Qandchaqarning tovshi tiniq va yangroq.
Oxirgi salomi uchib ularning,
Quloqlarda turdi, tebranib uzoq.

UZUNOYOQ CHIVIN BILAN QO'LI KALTA PASHSHA

Uzunoyoq Chivin oqsoqol
Ajlil bir yoz, peshin chog'ida
Kostyum kiyib kulrang, biroz ol
Tentirardi soy qirg'og'ida.

Qarshisidan g'ing'illab shu choq
Chiqib qoldi janobi Zum-zum,
Egnida bir yo'l-yo'l, yaltiroq,
Bayromona bashang zo'r kostyum.

Jarang-jurung tushki ovqatga,
Chorlaguncha shahar soati.
Ikkovlari shirin suhbatga,
Berildilar, kelib fursati.

So'ngra qumloq uzra ikkovlon
Javlon urib o'ynashdi chavgon.

Chivin so'rar do'stidan axir
Alang-jalang qarab atrofga:
— Nima uchun hech qachon, taqdir,
Yo'l solmaysiz saroy tarafga?

Libosingiz ketvorgan, toza,
Xuddi oyna kabi yaltiroq.
Saroy xursand bo'lardi rosa,
Sizni bashang ko'rganda har choq.

Marmarlaru billurlar aro
Qirolni ham bir ko'rardingiz,
Taxtda yana naq guli ra'no
Malikadan hol so'rardingiz.

Oltin tusli taxt uzra ular
Qizil va ko'k ko'ylakda bo'lar.

— Yo'q! — deb javob qaytardi
Zum-zum, —
Borolmayman hech vaqt u yoqqa!
Sizga rostin qilayin ma'lum:
Asli mening qo'llarim qisqa!

Mening egnim bashang bo'lsa ham
Qo'lim qisqa — orim keladi...
Saroydagi har qaysi odam
Qo'llarimga qarab kuladi.

Shunday borsam yoqmas unchalik,
Juda xunuk ko'rinar turqim.
Qirolni bilan qirolichaning
Qattiq qahri kelishi mumkin.

Qichqirishi hech gapmas qirolni:
«Yo'qol, Pashsha, bu yerdan darhol!»

Ma'yus tortib janobi Zum-zum:
— Do'stim! — deya qildi iltijo, —
Qo'ying, kuyilang, yaxshisi bir zum,
Ko'nglingizga kelsa qay navo.

Men bilaman, bir paytlar sizni
Tinglab ko'zyosh to'kardi cho'rton.
Qisqichbaqa qo'shiq'ingizni
Tinglab, raqsga tushardi shodon.

Yer yuzida bironta siymo
Siz aytganda qo'shiq aytarmi?
Qo'shiq aytmay qo'ydingiz ammo,
Buning biron sababi bormi?

Yaxshi suhbat qurdik biz bugun.
Endi kuyilab bering men uchun!

— Do'stim, — deya Chivin
qaytardi javob, —
Sizdan yashirgulik sirim yo'q,
Bir dard menga beradi azob,
Ko'kraginga qadalganday o'q.

Uzun oyoqlarim tufayli, o'rtoq,
Kuyilolmayman ko'p yildan buyon.
Bukma tayoq kabi bu olti oyoq
Menga uyqu bermas hech qachon.

U yonim uch oyoq, bu yonim uch oyoq —
O'syapganga o'xshaydi jo'shib.
Bular oyoq emas, naq qo'ltiqayoq —
Shuning uchun aytmayman qo'shiq.

Zum-zum janoblari, muhtaram taqdir.
Kuyilash menga yarashmas hech bir!

Janob Uzunoyoq janob Zum-zumga
Yozilgach, ketdilar, o'ylari tarqoq.
O'tirdilar yonma-yon qumga,
Dengiz shovqiniga soldilar quloq.

Xayollarga cho'mdilar mahzun:
Evoh, hayot ajoyib nusxa —
Birovlarning oyog'i uzun,
Birovlarning qo'llari qisqa.

Qo'li qisqa, chatoqligidan
Biri borolmaydi saroyga,
Biri uzun oyoqligidan
Qo'shiq aytolmaydi, berilib kuyga.

Har yon ayqash-uyqash batamom,
Dunyoda yo'q tartib, intizom.

Janob Uzunoyoq Chivin va
Janob Zum-zum ikkov bir mahal
Oyoqlarni oldilar qo'lga,
Dengiz yoqqa chopib tavakkal.

Bir chetdagi eski yelkanga
Ucha-ucha borib yetdilar.
Minib olib ana o'shanga
To'liqlarni yorib ketdilar.

Grombulon degan qirg'oqqa,
Suzib yetib bordilar omon.
Maza qilib oltin qumloqda,
O'ynadilar horguncha chavgon.

So'ng: «Keldi, — deb, — tushlik muhlati»,
Jarangladi shahar soati.

O'RDALAK VA KENGURU

O'rdak g'a-g'aladi: — Do'stim Kenguru!
Sen juda kuchlisan, juda ham epchil!
Chopasan, charchatmas seni yuguruv,
Havo xohi issiq, xoh bo'lsin namchil.
Men esa zerikdim balchiq hovuzda,
Baqalar, shilliqilar jonimga tegdi.
Dunyo ko'rmasmanmi, kirsam ham yuzga!
Kenguru, meni ham ola ket endi.
Yo'lda seni notinch qilmasman aslo,
Olg'a bos, desang gar, bosarman olg'a.
Jim, desang, jimarman... qo'rqib ketsam goh
Faqat bir-ikki bor deyarman «g'a-g'a».
Qirg'oqqa guvillab urilgan dengiz,
Erkin chag'alaylar raqsini ko'ray.
Jon Kenguru, meni qoldirma yolg'iz,
Quvonchli kunlarning bag'rida yayray!
— Mayli, o'ylab ko'ray, — dedi Kenguru, —
Noxush kun kechirmoq chindan ham og'ir —
Yonma-yon aylanib yurish emas bu...
E'tirozim bordir faqatgina bir:
Kechir, buni yodda tutmasam bo'lmas,

Afsus, oyoqlaring juda ham sovuq.
Sen deb o'z uyimda bod bo'lsam noxos
Buning hech yaxshilik alomati yo'q.
— E, qo'rqma, — deb O'rdak, g'a-g'alar kulib, —
Sovuqqa yo'qliging bilib olganman,
Oyog'imga qara, uch qavat qilib
Parpaypoq, junpaypoq kiyib olganman.
Shamolda kerak deb, oldindan bilib,
Qo'sha yopinchoq ham sotib olganman.
— Mayli, bo'lgini menga bir umr yo'ldosh.
Qarasam, o'zing ham oyda ekansan!
Lekin sen dumimga qo'yib yotgin bosh —
Yo'lda muvozanat saqlashim oson...
Shunday qilib ikkov tushdilar yo'lga
Tog'liqlar, iloniz so'qmoqlar bo'ylab.
Parvo qilmadilar sarg'aygan cho'lga,
O'rmon gilamlarin bosdilar kuyilab
O'rdak va Kenguru,
O'rdak va Kenguru.

ДУНЁ МИЛЛИАРДЕРЛАРИ РЎЙХАТИ



“Forbes” журна-
ли дунёдаги энг
бой кишилар
рўйхатини эълон
қилди. Журналда
ҳаммаси бўлиб
497 нафар милли-
ардернинг номла-
ри келтирилган.
Аммо, бу рақам
2001 йилнинг ёз

фаслидагига нисбатан 41 тага камайган. 243 нафар америкалик бой кишилар билан Кўшма Штатлар биринчиликти эгаллаган бўлса, 25 нафар миллиардери билан Япония давлати иккинчи поғонани банд этган.

“Microsoft” компанияси асосчиси Билл Гейтс дунёдаги энг бой киши ҳисобланиб, унинг сармояси 52,8 миллиард долларни ташкил этади. Афсуски, ўтган ёз фаслидагига нисбатан Гейтснинг маблағи 5,9 миллиардга камайган. Иккинчи ва учинчи ўринларни Уоррен Баффет 35 миллиард доллар билан ҳамда Германиялик Пол Аллен 26,8 миллиард доллар билан эгаллашган.

НАТО КАРАДЖИЧНИ ҚАЧОН ТОПАДИ

НАТО вакили-
нинг айтишича,
Босния серблари
рахбари Радован
Караджич уруш
вақтида ҳарбий жи-
ноятларни амалга
оширишда гумон
этилиб қидирил-
моқда. Тахминлар-
га кўра, у Босния-
нинг жанубий-шарқий қисмида яшириниб юрган бўли-
ши мумкин. Аммо, уни қидириш вақтида халқаро куч-
лар курол-аслаҳа яширинган учта объектни топдилар.
Халқаро “Гаага” ҳарбий трибунали мана 6 йилдан буён
собик Югославия иши бўйича Караджични ахтармоқ-
да.



ПОЛИЦИЯГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛИНДИ



Ахмадобод (Хин-
дистон) шахрининг
мусулмонлар яшай-
диган ҳудудига уюш-
тирган ҳужумлари
чоғида ҳиндлар 38
нафар мусулмоннинг
ўлимига сабабчи
бўлганлар. Маълум
бўлишича, ҳиндлар
гуруҳи аввал уйлар-
га ўт қўйишган,

сўнгра ёрдамга келган полиция ва ўт ўчирувчиларга
тўсқинлик қилганлар. Лекин полиция билан юз берган
отишма чоғида 3 нафар ҳинд ўлдирилган. Тахминларга
кўра, ҳиндларнинг бу ҳаракатлари куни кеча Годхра
аҳоли пунктида 58 нафар қабиладолларининг ўлдири-
лишига жавоблари бўлди.

ЧЕГАРАДА НАРКОТУННЕЛ ТОПИЛДИ

Мексика-Америка чегарасида наркобизнесменлар-
нинг марихуана контрабандаси билан шуғулланишлар-
и учун 300 метрли ер ости йўли борлиги аниқланди.
У махсус рельслар, электр тармоғи ҳамда вентилятор-
лар билан жиҳозланган. Ҳозирда АҚШнинг гиёҳвандлик-
ка қарши кураш агентлиги мазкур ер ости йўлида 91

килограмм марихуана
моддаси топган ҳамда
бир кишини ҳибсга олган.
Кўшма Штатлар миллий
хавфсизлик қўмитаси ди-
ректори Том Ридж яқин
кунларда Мехикога ушбу
масала юзасидан сафар
уюштиради ва унга ой-
динлик киритилади.



“ИНТЕРНЕТ”
хабарлари асосида
тайёрланди.

Эрнест Хемингуэй. Бу ном ҳануз
жаҳон адабиёти сахнасидаги ёрқин юл-
дузлардан саналади, гарчи бундайин таъ-
риф, бизнингча, унинг ўзига унча ёқма-
ган бўлса ҳам. Унинг номи, ҳаёти билан
танишган, асарларини ўқиган китобхон
қалбидида кўтаринки ва айни пайтда ғам-
гинлик аралаш кайфият уйғонади.

Ўзбек тилида ёзувчининг «Алвидо
курол», «Чол ва денгиз» каби айрим ма-
шҳур асарлари билан бирга ҳикоялари
ҳам нашр этилгани маълум. Этиборин-
гизга ҳавола қилинаётган ушбу парчалар
эса унинг «Доимо байрам сен билан» хо-
тира асаридан олинган.

Эрнест Америкада 17 ёшидан «Торон-
то дейли стар» рўзномасида журналис-
тика билан шуғуллана бошлаган. Сўнг Чи-
кагодаги ширкат жамиятининг нашрида
муҳаррирлик қилди. Лекин бу «жамият»
— унинг хўжайинларини боқадиган нико-
б эди. «Мен бунинг қаллоблик эканлигини
англаб етгунга қадар ишладим ва уни
одам қилиш ниятида ишимни бир мунча
давом эттирдим», деб хотирлайди у. Фош
этиш билан бирга, у ишдан кетади. Ле-
кин ўз қарашлари ва ўз ҳукмига эга бу
ёш йигитни адабиёт доирасида яхши би-
лишарди.

Ўша пайтда машҳур ёзувчи Шервуд Ан-

дерсон ёш ёзувчининг келажаги порлок
эканлигини кўра олди. У Хемингуэйга бир
қанча вақт Парижда яшашни маслаҳат
беради.

Париж илгаридан ёзувчи, шоир, рас-
сом, муסיқачи, хуллас, санъат ва ада-
биёт аҳли учун илоҳий маскан саналган.
Ҳақиқатдан, улар ижодий муҳитга интиқ
эди.

Ёзувчи Парижда кечган ҳаёти, унинг
гўзал ҳиёбонлари, қаҳвахона, музей,
адабий тўғараклари, турфа одамлари
ҳақида шундай хотирлайдики, беихтиёр
ўзингизни ўша муҳитда сезасиз.

Тўғри, у вақтинча такси ҳайдовчиси,
тоғ чанғиси бўйича инструктор ҳам бўлиб
ишлагани, танишларига бокс ўргатгани
ҳақида деярли ёзмайди. Турмуш шаро-
ити қандай бўлишдан қатъий назар, Па-
риж Хемингуэй ҳаётида бир умр муҳр-
ланиб қолди. Бу унинг учун ардоқли,
доимо эъзозлагувчи хотира — байрам
эди.

Хемингуэйнинг ушбу асарини мириқиб
ўқий туриб, беихтиёр у кечирган бахти-
ёр кунлар сизга ҲАМРОҲ бўла бошлай-
ди. Ёзувчининг номи дунё бўйлаб кезар
экан, бу каби жозибали асарлари сизга
ҳам доимий байрам бўлиб қолажадир.

Таржимон

ДОИМО ТЕГРАНГДАГИ

Маълумки ҳар қандай тил, маданият, хусусан адаби-
ёт бошқа халқларнинг шундай омилларидан озуқа ола-
ди ва бойиб бораверади. Шу маънода биз «Маърифат»
ўқувчиларига жаҳон адабиётида ўчмас из қолдирган ма-
шҳур америкалик ёзувчи Эрнест Хемингуэйнинг «Дои-
мо тегрангдаги байрам» асаридан парча ҳавола этиш-
ни лозим топдик.

... Бу ёқимли қаҳвахона эди -
саранжом-саришта, шинам. Мен
ўзимнинг эски плашимни қури-
син учун илмоққа илиб, намат
шляпамни ўриндиқ юқорисидаги
қозикқа улоқтирдим ва сутли
қаҳва буюрдим. Официант қаҳва
келтиргач, чўнтагимдан ён даф-
тар ва қалам олиб ёзишга шай-
ландим. Мен ўзимизнинг Мичи-
ган ҳақида ёзиб бошладим - у
ернинг совуқ, шамолли кунлари,
хикояда ҳам, худди шундай тас-
вирланди. Кеч кузни мен бола,
ўспирин, йигит қиёфасида кўра
бошладим, бу тўғрида турлича
ёзиш мумкин: бир жойда яхши,
бошқа бир ўринда эса ёмонроқ.
Хикояда овчилар ичишар эди ва
мен ҳам бунга чанқоқлик сезиб,
«сент-жеймс» ромини буюрдим.
Ром совуқ кунда одатдагидан кўра
хуштаъмроқ туолди, мен ёзатуриб
бу ичимликнинг таним ва руҳим-
ни қандай илтифатини ҳис
этим.

Қаҳвахонага бир қиз кириб,
дараза яқинидаги стол ёнидан
жой эгаллади. Ёқимтой эди бу
қиз, унинг юзи эндигона зарб
этилган танга мисол ялтирар,
қарға қанотидек қоп-қора сочла-
ри эса юзининг бир қисмини бе-
кибиб турарди. Уни кўргач, мени
ҳаяжон ва безовталиқ эгаллади.
Бирор хикоямда у тўғрида ёзиш-
ни кўнглимга тугиб қўйдим. Қиз
кўча ва қаҳвахона эшигини бема-
лол кузатиб турса бўладиган қулай
жойга ўтирганди. Мен унинг ким-
нидир кутаётганини англадим ва
яна қайта ёзишга тушдим.

Хикоя ўз-ўзидан қуюлиб келар,
уни қоғозга туширишга зўрга ул-
гурардим. Орада яна ром келти-
ришларини сўрадим, ҳар гал бо-
шимни кўтарганда ёки қалам
ўткирлаётганимда қизга бир
қараб қўйдим.

Сўнг ёзишга берилиб кетдим-

ки, ҳамма нарсани унутдим. Вақ-
тни унутиб, қаердалигим ҳақида
ўйламай, бошимни кўтармай ёза-
ётгандим. Ром ҳақида ўйламаёт-
ган бўлсам ҳам, у жонга теккан-
ди. Ниҳоят хикоя якун топди, мен
қаттиқ чарчаганимни ҳис этдим.
Охири жумлани қайта ўқиб, бо-
шимни қоғоздан кўтардим ва қиз-
ни қидиришга тушдим, бироқ у
кешиб қолганди. «Менимча, у
яхши киши билан кетди» деб
ўйладим. Барибир кайфиятим
ғамгинроқ бўлиб қолди.

Сўнгги нуқтани қўйгач, ён
дафтарчани ёпиб, чўнтагимга
жойладим ва официантдан егулик
ҳамда ярим графин оқ вино кел-
тиришни сўрадим. Хикояни ту-
гатгач, мен ўзимни доимо туш-
қун ҳис этардим. Ишончим комил
эдики, хикоя жуда яхши чиқди,
лекин қанчалик даражада эканли-
гини эртаси кўни қайта ўқиб чиқ-
қачина англадим...

Унутми ишлаганимни англа-
гач, узун зиналардан тушиш қан-
дай ёқимли. Мен доим бирон на-
тижага эришгунча ишлар ва уни
давом эттириш мумкинлигини
билгачина тугатар эдим. Шундан
сўнг ишонар эдимки, эртага ҳам
албатта, ёзаман. Лекин баъзан
янги хикоя ёзишга шайланиб, уни
ҳеч бошлай олмасдим. Камин
рўпарасига ўтириб, апельсинни
эзгилай бошлайман ва оловга,
унинг кўкиш ёлқинига тикиламан.
Ёки даразадан Париж томларига
қараб ўйлардим: «Ҳаяжонланма.
Сен илгари ёзгансан ва энди ҳам
ёзасан. Фақат аввал битта
ҳақиқий, ўзинг биладиган энг чи-
накам жумлани ёзишинг керак».
Охир-оқибат мен ҳақиқий жумла-
ни ёзардим ва қолган ҳаммаси
унинг ортидан келаверарди. Бу
осон эди, чунки мен билган,
ўқиган ёки кимдандир эшитган
ҳақиқий битта ибора, албатта то-

пиларди...

... Ўша кунлари китоб сотиб
олишга пулим йўқ эди, мен Оде-
он кўчаси 12-уйда жойлашган
Силвия Бичнинг китоб дўконидан
фойдаланганман, чунки дўкон
айни пайтда кутубхона вазифаси-
ни ҳам ўтарди.

Дўконга илк бор келганимда
кутубхона аъзоси бўлишга пулим
етмаган. Силвия қарзни кейин-
роқ, имкон топилганда келтири-
шим мумкинлигини айтди, ме-
нинг номимга карточка очди. Сўнг
қанча китоб ҳоҳласам, шунча оли-
шимни таклиф қилди.

Унинг менга ишониши учун ҳеч
қанақа асоси йўқ эди.

Мен Тургеневдан бошладим ва
«Овчининг хотиралари» икки
жилдлигини, шунингдек, адашма-
сам, Д.Г. Лоуренснинг «Ўғиллар ва
жазманлар» романини олдим.
Силвия менга яна бир неча китоб
олишимни маслаҳат берди. Мен
Констанс Гарнетт таржимасида-
ги «Уруш ва тинчлик» ва Досто-
евскийнинг «Қиморбоз ва бошқа
хикоялар»ини танладим.

— Агар бунинг барини ўқиб
чиқмоқчи бўлсангиз ҳали-бери
келмайсиз — деди Силвия.

— Мен пулини тўлашга кела-
ман, — дедим. — Уйда пулим бор.

— Буни назарда тутаётганим
йўқ, — деди у, — имкон топганда
тўларсиз.

— Жойс бу ерда қайси пайт-
лари бўлади, — деб сўрадим.

— Одатда, кун охирида, -жавоб
берди у, — сиз уни ҳеч кўрма-
ганмисиз.

— Оиласи билан ресторанда
тушлик қилаётганда кўрган эдим.
Лекин одамлар овқатланаётган
маҳал уларга қараш ноқулай.

Китобларни олиб уйга қайтгач,
зўр жой топганимни хотинимга
гапириб бердим...

Оч қолган пайтларим Сезани
ўз табиат тасвирларини қандай
ярата олганини тушундим. Кўпин-
ча ўйлардим: у ишлаган пайтла-
ри оқ қолмадикин? Менимча,
у овқатланишни эсдан чиқарган
бўлса керак...


Одеон кўчасидаги 12-уйга
етиб борганимча иштаҳа пасая-
ди, лекин зеҳнинг яна ўткирлаша-
ди.

— Сиз нимагадир озиб кетиб-
сиз, Хемингуэй, — деди Силвия.

— Яхши овқатланасизми, ўзи?
— Албатта.
— Тушликда нима едингиз?
Мени очлик безовта қилса ҳам, дедим:
— Ҳозир тушлик учун уйга кетаяпман.
— Ахир соат уч бўлди.
— Бунчалик кеч бўлганини сезмай қолибман.
— Адриенна айтдики, шу кунларда у сизларни Хедли (Хемингуэйнинг хотини — тарж) билан кечки овқатга таклиф қилмоқчи. Биз Фаргани чақириб келардик. У сизнингча, жозибали, тўғрими? Ёки Ларбо. У сизга сўзсиз ёқади. Умуман кўнглингизга ёқадиган бошқа бирор кишини чақириб мумкин. Хедли билан маслаҳатлашинг, хўпми?
— Ишонаманки, у «жон» деб боради, — дедим мен.
— Мен унга таклиф хати юбораман. Сиз бунақа кўп ишланманг, ўзи чала-чулпа овқатланасиз. Хўп. Майли, бора қолинг, бўлмаса тушликка кеч қоласиз.
— Ҳечқиси йўқ, менга қолдиришадди.
— Шунингдек, совиб қолган овқатни ҳам еманг. Иссиқ тушлик — бу сиз учун зарур нарса.
— Менга хат борми?
— Менимча, йўқ. Ҳозир қараб кўраман.
У кўриб чиқиб хатни топди,

дим. — Сен журналистикани ўз хоҳишингча ташладинг. Пулингни олдинг, ундан ташқари, Силвия сенга доимо қарз бериб туриши мумкин. Бир неча марта шундай бўлган-ку. Бу ерда шубҳага сира ўрин йўқ. Сен бўлса, барибир ўзингни оқламоқчи бўласан. Очлик соғлиқ учун фойдали, қорин оч пайти расмлар ҳам яхши, тушунарли кўринади. Аммо, овқат ҳам ажойиб нарса ва сен ҳозир қаерда тушлик қилишингни биласанми?»
... Пивохона бўш эди, мен деворга яқин столдан кўзгуга ўғирлан ҳолда жой олдим. Официант «пиво келтирайми?» деб сўраганида, мен бир литрли кружкада пиво ва картошка салати сўрадим.
Чанқоқлик билан ичилган бир қултум пиводан сўнг еб-ичишга шошилмадим. Салатни еб тугатиб, яна порция ва кўндалангига кесилиб махсус гармдори суркалган семиз сосиска келтиришни буюрдим.
Мен ҳаяжонланаётганим йўқ, деб ўйладим. Ҳикояларим яхши эканлигини билардим ва уни эртами-кеч ўз юртимда чоп этишадди. Рўзнома ишларини рад этган, ҳикояларим нашр этилишига шубҳаланмагандим. Бироқ улар бирин-кетин ўзимга қайтиб келарди. Менга ишонч тугдирган

— Ҳаммада ҳам нимадир етишмайди, — дедим мен суҳбатни жонлантириш учун.
— Фақат сизда эмас, — деди у бутун жозибасини менга ташлаб ва унинг юзида ўлим аломати пайдо бўлди.
— Сиз менда ўлим аломати йўқ, демоқчимисиз, — дея ўзимни тутолмай сўрадим.
— Йўқ. Сизда Тириклик — Ҳаёт аломати бор, — деди у урғу билан.
— Менга фақат вақт беринг, — дедим мен.
Унинг бифштекс егиси кеп қолди ва мен қайлали иккита турнедо буюрдим. Ўйладимки, ёғ унга фойдали бўлади.
— Балки қизил мусаллас ичармиз? — сўради у.
Мусалласлар бўйича бош официант келгач, мен «шатонеф дю пап» мусалласини сўрадим.
Бу қовурилган картошка ва бифштексни еб, одатда кундузи ичилмайдиган «шатонеф дю пап»нинг учдан иккисини бўшатгач, масала ойдинлашди.
— Нимага гапни айлантириш керак, — деди у, — бизнинг мукофотни сиз олишингизни биласизми?
— Наҳотки? — сўрадим мен, — нима учун?
— Уни сиз оласиз, — деди у ва менинг ёзганларим ҳақида га-



Яна мавзумиз йўл-транспорт ҳодисаларида болалар иштироки ҳақида борар экан, январь ойида улар билан содир бўлган ҳодисалар рақамларига кўз югуртурсак. 2002 йилнинг биринчи ойида республика бўйича 122 та болалар билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисалари аниқланган. 2001 йилнинг шу пайтида бу кўрсаткич 120 тани ташкил қилган эди. Ушбу воқеаларда ҳалок бўлганлар сони эса 10 нафар, жароҳатланганлар 115 нафарни ташкил қилади. 7 ёшгача бўлган болалар иштирокида жами 45 та йўл транспорт ҳодисаси содир этилган бўлса, уларда 5 нафар бола ҳалок бўлган, 40 нафари жароҳатланган.
8 ёшдан 15 ёшгача бўлганлар ўртасидаги автоҳалокатларда ҳам 5 нафар бола бевақт бу дунёни тарк этган бўлса, 75 нафари турли даражадаги тан жароҳатлари олган.

Ушбу ойда йўл-транспорт ҳодисалари энг кўп қайд этилган ҳудудлар: Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Қашқадарё вилоятларидир.

Мисолларга мурожаат этамиз:

● 2002 йил 10 январ куни соат 16.30ларда Андижон вилояти Жалолқудук тумани Охунбобоев шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 33-уйда яшовчи, 1953 йилда туғилган Цой Анатолий ўзининг «ТІСО» русумли, давлат рақам белгиси 17F8088 бўлган автомашинасини Жалолқудук—Савай йўлининг 4 км.да бошқариб бораётиб, йўл чеккасида турган пиёда, Қўрғонтепа тумани, Истиқбол жамоа хўжалиги, Ободон маҳалласи 93-уйда яшаган 4 ёшли Шоира Омоновани уриб юборади. Натижада Ш.Омонова вафот этади.

● 14 январ куни Наманган вилояти Чуст тумани Тоймас қишлоғида яшовчи С.Қурбонов шахсий «ГАЗ-24» русумли, давлат рақам белгиси Е 6600 НА бўлган машинасини Олмос—Чуст йўлининг 6 км.да бошқараётиб, Тошқўрғон қишлоғида яшовчи, 30-ўрта мактабнинг 2-синф ўқувчиси 1993 йилда туғилган Мухтор Мансуровни уриб юборган. Афсуски М.Мансуров ҳам воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган.

● 17 январь куни соат 18.30ларда Сурхондарё вилояти Сарисий тумани, Охунбобоев жамоа хўжалиғида яшовчи, 1976 йилда туғилган Тоҳиржон Шарипов «ДАМАС» русумли давлат рақам белгиси 19С6276 бўлган автомашинани бошқариб кетаётиб «М-41» «Бишкек—Душанбе—Термиз» автойўлининг 1618-км.да Термиз тумани Янгиариқ жамоа хўжалиғи, 12-бўлимда яшаган 11 ёшли Илёс Қўзибоевни уриб юборган. Натижада И.Қўзибоев ҳалок бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Умумий ўрта таълим бош бошқармасида 1999-2001 йилларда республикада болалар билан боғлиқ ҳолда содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлил этилди.

1999 йилда республикада жами 2804 та, 2000 йилда 2742 та, 2001 йилда эса 2679 та ҳодиса рўй берган. Лекин 1999 йилдагининг 1193 тасида, 2000 йилдагининг 1095 тасида ҳамда 2001 йилдагининг 1026 тасида болаларнинг ўзлари хатога йўл қўйганлар.

Бу кўрсаткичлар сони йилдан-йилга бирмунча камайганлиги билан болалар ўлими ва жароҳатланиши ортиқлиғича қолмоқда.

1999-2001 йилларнинг таҳлиллари бўйича болалар айби билан содир этилган автофалокатлар Тошкент шаҳри, Андижон, Сирдарё, Тошкент вилоятларида камайгани ҳолда, Қорақалпоғистон республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Фарғона вилоятларида йилдан-йилга ошаётганлиги кузатишмоқда. Жумладан, Бухоро вилояти туманларига назар ташласак, қуйидагича ўсиш кузатилади. Олот, Вобкент туманларида 100 фоизга, Ромитанда 300 фоизга, Шофирконда 33,3 фоизга. Самарқанд вилояти туманларида ҳам аҳвол яхши эмас. Самарқанд шаҳрининг ўзида 33,3 фоиз, Каттақўрғонда 200 фоизга йўл-транспорт ҳодисалари ошган. Умуман олганда, Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида 400 фоизга йўл-транспорт ҳодисаси ошган бўлиб, буни республикамиз бўйича «рекорд» натижа деса ҳам бўлади.

Ўз навбатида мазкур масалалар вазирликнинг Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг 2001 йил иш режасига кўра Қорақалпоғистон республикаси, Бухоро, Хоразм, Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳри мактабларида ўрганилди. Текширувлардан сўнг жойлардаги масъулиятсиз раҳбарларга нисбатан чоралар кўрилди. 4 нафар мактаб раҳбари ва 2 нафар директор ўринбосари вазифасидан озод этилди, 3 нафар мактаб раҳбари ва 1 нафар директор ўринбосарига ҳайфсан берилди, 2 нафар мактаб раҳбари огоҳлантирилди.

Шунингдек, вазирлик болалар билан боғлиқ ҳолда содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўл ҳаракати қоидаларини яхшилаш мақсадида 2001 йил 27 июлда қабул қилинган ҳайъат қарорини ижро учун жойларга юборган эди. Бироқ кузатувлар ва текширишлар натижаларига кўра мазкур қарорнинг бажарилишига жойларда совуққонлик билан муносабатда бўлинаётганлиги кузатилди. Хусусан, Хоразм ва Тошкент вилоятларида бу борадаги вазифалар кечикиб бажарилган. Қашқадарё вилоятида ҳам аҳвол яхши эмас.

Зеро, ҳар бир болага, ўқувчига яшашни ўргатиш катталарнинг вазифасидир. Уйдан мактабга ошиқаётган фарзандингизга: «Кўчани эҳтиёт бўлиб кесиб ўт, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига риоя эт» деб бир оғизгина айтиб қўйсангиз, ўқувчингизни уйига кузатаётиб: «Йўлдан шошилмай, аввал ўнг, сўнгра чап томонга қараб, машина йўқлиғига ишонч ҳосил қилгачгина ўтинглар» деб уқтирсангиз, мана шунинг ўзи ҳам бахтсиз ҳодисалар ва кўнглисиз воқеалардан асрайди, деб умид қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХ Бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ХТВ маълумотлари асосида тайёрланди.

БАЙРАМ

(романдан
парча)

жилмайиб туриб деди: — Буни мен йўқлигимда келтиришибди.
Мен конвертни қўлга олиб пайпаслаб билдимки, пул бор. Бу «Квернитт» журналдан эди.
— Олти юз франк, ҳали яна юборамиз деб ёзишибди, — дедим мен.
— Хат ҳақида сўраб қолганингиз қандай яхши бўлди.
— Менинг ёзганларимни фақат Германияда сотиб олишаётгани жуда галати. Яна денг «Фарнкфуртер» газети.
— Ҳақиқатдан галати. Лекин, хафа бўлишга арзимаиди, ҳикояларингизни Фордга сотишингиз мумкин, — дея жигимга тегди Силвия.
— Ҳар саҳифасига ўттиз франкдан. Масалан, «Трансатлантик»да уч ой биттадан ҳикоя чиқазсак... Демак, ҳикоя учун беш бет ҳар кварталда 150 франк, бошқача айтганда, йилига 600 франк.
— Хемингуэй, сиз ҳозир қанча тўлашлари ҳақида ўйланманг. Мухими, сиз уларни ёза олдингиз.
— Биламан, ҳикоя ёзишни эплай оламан. Лекин, уларни ҳеч ким олмаяпти. Журналистикани ташлаганимдан бери ҳеч ҳам кўп ишлай олмаяпман.
— Хафа бўлманг, ҳали сотиб олишадди. Ундан ташқари, мана, кўраясиз-ку, биттаси учун ҳақ олдингиз.
— Кечирасиз, Силвия. Бу тўғрида гапирганим учун узр.
— Нима учун кечирим сўраш керак? Нима ҳақида, қанча ҳоҳласангиз шунча гапираверинг. Ёзувчилар фақат ўз дардини гапиришини наҳот билмасангиз? Лекин, бошқа хафа бўлмайман ва яхши овқатланаман, деб сўз беринг.
— Сўз бераман.
— Унда уйингизга боринг-да, тушлик қилиб олинг.
Кўчага чиққач, бундайин шикоятбозлигимдан ўзимни ёмон кўриб кетдим. Нимаики бўлса, барини табиий ҳолда гапиргандим, аммо ўзимни беъманироқ тутгандайман.
Оч юриш ўрнига ҳозир катта нон бўлагини сотиб олиб ейиш керак. Лекин ниманидир ичиш зарур бўлади. «Ох, сен, мижғов иблис, ўзингни ситамгар қилиб кўрсатмоқчи бўлдинг, — дея ўйла-

нарса шу бўлдики, Эвард О'Брейен «Менинг қариям» номли ҳикоямни «Йилнинг сара ҳикоялари» тўпламига киритибди ва ўша тўпламни менга бағишлаган эди. Шу жойда мен қулиб юбордим ва пиводан бир қултум хўплаб қўйдим. Бу ҳикоямни бирорта журнал эълон қилмаган эди. О'Брейен эса уни ўз қонун — қоидалари асосида тўпламга киритибди. Мен яна қулиб юбордим ва официант менга бир қараб қўйди. Шунинг учун қулгули эдики, у ҳамма жойда менинг фамилиямни нотўғри ёзибди. Бу, Хедли Лион вокзалида чемадан билан бирга қўлёмаларимни йўқотгандан кейин қолган икки ҳикоямдан бири эди.

... Мухаррирлардан бири Уолш журнал дастлабки тўрт сонидан энг яхши деб топилган асар муаллифига гўё катта мукофот беришга қарор қилибди.

Мукофот ҳақидаги миш-миш гаплар менга етиб келгандан сўнг, Уолш Сен-Мише хиёбони атрофида энг яхши ва овқатлари қиммат турадиган ресторанда бирга тушлик қилишга таклиф қилди.

— Эзро — буюк, буюк шоир, — деди Уолш менга тим қора шоирона кўзларини тикиб.

— Ҳа, — дедим мен, — ажойиб инсон.

